

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 711.7:656.027.001.8

КАДИРОВА НАВРУЗА БАРАКАЕВНА

АВТОМОБИЛ ТЎХТАШ ЖОЙЛАРИ ВА ГАРАЖЛАРНИ
ЖОЙЛАШТИРИШНИ ИЛМИЙ АСОСДА РЕЖАЛАШТИРИШ

5A340302 –“Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари”
мутахассислиги

Магистрлик
академик даражасини олиш учун магистрлик
ДИССЕРТАЦИЯ

Диссертация кўриб чиқилди

ва ҳимояга рухсат берилди.

“Шаҳар қурилиши ва хўжалиги”

кафедраси мудири _____

т.ф.н., доц. А.ХУДОЙБЕРДИЕВ

Илмий раҳбар: _____

т.ф.н., доц. А. ХУДОЙБЕРДИЕВ

САМАРҚАНД – 2015

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	2
I боб. Автомобил тўхташ жойлари ва гаражларга қўйиладиган талаблар:	
1. Дастлабки эҳтиёжларни аниқловчи асослар	10
2. Аҳоли яшаш пунктлари, иш жойлари ва хизмат кўрсатиш марказларида автомобил тўхташ жойлари ва гаражлар	13
3. Узоқ муддатли автомобил тўхташ жойларида сақлаш бўйича талаблар	27
II боб. Автомобил тўхташ жойлари ва гаражларни ташкил қилиш	
1. Ташиш тизимида автотранспортларнинг ўрни. Автомобил тўхташ жойларида сақлаш хизматлари	33
2. Автомобил тўхташ жойларига жой танлаш. Енгил автомобилларнинг вақтинча сақлаш жойлари	41
3. Гараж ва автомобил тўхташ жойларини асбоб-ускуналар билан таъминлаш	54
III боб. Автомобил тўхташ жойлари ва гаражларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари	
1. Автомобил тизими тармоқларининг ривожланиш статистикаси...	64
2. Автомобил тўхташ жойлари ва гаражларнинг иқтисодий самарадорлиги.....	69
3. Атроф муҳит муҳофазаси ва тўхтаб турувчи транспортлар муаммоси	76
4. Келажакда транспортлар тизимида автомобил тўхташ жойлари ва гаражлар	81
Хулоса	88
Адабиётлар рўйхати	93

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 26 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида қўйилган асосий вазифалардан бири бўлган шаҳарлар, туман марказлари ва аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва лойиҳа режалаштириш ҳужжатларига мувофиқ равишда аҳоли пунктларининг ривожланишини таъминлаш бўлди. Ушбу фармоннинг ижроси юзасидан Республика ҳукуматининг қатор қарорлари қабул қилинди ва аҳоли пунктларида бугунги кунда қурилиш, ободонлаштириш ва муҳандислик инфратузилмасини шакллантириш ишлари тасдиқланган бош режа асосида амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида ландшафт архитектураси бўйича катта ишлар амалга ошириляпти. Шаҳар марказий истироҳат боғларида очик ва ёпик ҳудудлар, сайр хиёбонлари шакллантирилди, шаҳар ва туман марказларини ободонлаштириш, уларга замонавий меъморий тус бериш ишлари олиб борилиши Республикамизда сўнгги йилларда архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ландшафт архитектурасини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилди. Бу жараён ўз навбатида архитекторлар ва қурувчилар олдида уни чуқур тадбиқ қилиш билан бирга янги архитектуравий изланишлар олиб бориш талабларини кўндаланг қўйди.

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Шаҳарсозлик талаблари асосида охириги вақтларда шаҳар муҳити ва автотранспортлар ҳаракатини тартибга солиш ва назорат қилиш учун текширув натижасида замонавий автомобил тўхташ жойлари ва гаражларни лойиҳалаш, шахсий ва жамоат транспортларини алоҳида ажратиб турувчи автомобил тўхташ жойларини тўғри режалаштириш, бу эса гараж ва машиналар тўхташ жойларини жамоат ва хизмат кўрсатиш бинолари олдида келиб тўхтайдиган автотранспортларни тартиб билан жойлашишини ташкил

этиш ишларини олиб бориш ҳамда унинг тавсияларини ишлаб чиқишда асосий омил саналади. Сўнгги йилларда шаҳарга, шаҳардан ташқарига ва шаҳар марказига маданий-маиший ташрифлар сони кўпайгани сабабли енгил автомобилларга бўлган эҳтиёжлар ҳам кўпайди.

Шу муносабат билан йирик шаҳарларнинг кўча йўл тармоғида автомобил транспорти ҳаракати ва шу қаторда автомобил тўхташ жойларига бўлган талаб ҳам кўпайди. Айниқса, транспортлар ҳаракати билан тигиз шаҳар марказларини режалаштириш, қуриш, шовқин ва захарли газлардан ҳимоялаш асосида олиб бориладиган бўлди. Шаҳар марказига қатнашнинг асоси қилиб четки ҳудудлардан келадиган транспортларнинг мавжудлиги бўлиб, шаҳарда ҳаракат тезлигининг пасайиши асосан марказий ҳудудларда, йўлга кўп вақт сарфланишига олиб келади. Қатнов шартларининг мураккаблашуви автомобил тўхташ жойларида жой қидиришни ҳам қийинлаштиради.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти этиб, мавжуд асосий факторларнинг ўрганилиши ва шаҳарда автомобил тўхташ жойларидан фойдаланишда чегаранинг пайдо бўлиши транспорт йўналишининг алмашилиши мавжуд ҳудудларда гараж ва автомобиллар тўхташ жойларини жамоат ва хизмат кўрсатиш бинолари олдида келиб тўхтайдиган автотранспортларни тартиб билан жойлашишини ташкил этиш, уларни режалаштириш илмий асослаб берилади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Шаҳарларда ва бошқа марказларда автомобиллар ҳаракати бўйича тадқиқот ва тавсиялар ишлаб чиқиш, ташкилотлар бўйича шаҳар ҳудудида автомобил тўхташ жойларида транспортларнинг ушлаб қолиниши, кўча йўл тармоғининг марказий режавий ҳисобига ҳудудда тадқиқотлар қўйилган мақсаддан қуйидаги саволлар келиб чиқади:

- Чет эл давлатларида автомобил тўхташ жойларидан фойдаланиш тажрибасининг натижаси;

- Назарий ва тажрибавий тадқиқотлардан шаҳар ва четки ҳудудларда автомобил тўхташ жойларидан фойдаланишда муҳитнинг пайдо бўлиши;
- Шаҳарда ва режавий ечимларда автомобил тўхташ жойлари бўйича аниқ ечимлар ишлаб чиқиш;
- Шаҳарсозлик талаблари асосида охириги вақтларда шаҳар муҳити ва автотранспортлар ҳаракатини тартибга солиш ва назорат қилиш учун текширув натижасида замонавий автомобил тўхташ жойлари ва гаражларни лойиҳалаш, шахсий ва жамоат транспортларини алоҳида ажратиб турувчи автомобил тўхташ жойларини тўғри режалаштириш ишларини олиб бориш ҳамда унинг тавсияларини ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги. Тадқиқотни яқунлашда биринчилардан бўлиб фойдаланиш назарияси ишлаб чиқилади, асосий нуқтавий жой ҳолати лойиҳаланади. Автомобил тўхташ жойларида тадқиқот йўлида шаҳар марказига йўналган шаҳар ҳудудига кирувчи автомобиллар тақсимооти ва шаҳар ҳудудидаги автомобил тўхташ жойларини шакллантириш методи характерланади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Диссертация мавзуси бўйича танланган илмий услубларни қўллаб, тақлиф этилаётган ва олға сурилаётган фаразни исботлайдиган натижалар асосида тасдиқловчи материаллар маълум тизимга солинади. Олинган ҳудуднинг табиий иқлимий хусусиятларини баҳолаш ва ҳудудда қуриладиган автомобил тўхташ жойлари ва гаражлар асосини ташкил этувчи воситаларнинг ривожланиш йўллари, методлари ва усуллари ишлаб чиқилади.

Четки ҳудудлардан шаҳарга автомобилда қатнаш умумий мавжудликни кўрсатади. Умумий мавжудлик ҳақиқат назариясига амал қилиши ва қонуний характерга эга бўлиши керак. Умумий хизмат кўрсатиш назарияси математик статистикада қатновлар аҳоли яшаш пунктларининг кераклиги ва сарфланган вақтга боғлиқлигини кўрсатади.

Мазкур тадқиқотнинг илмий фарази ва асосий илмий масалалари шунга йўналтирилганки, улар юқорида қўйилган асосий ижтимоий муаммо, яъни микротуманлар ва турар жой ҳудудларида, биринчи навбатда автомобил тўхташ жойларини лойиҳалаш мақсадга мувофиқ бўлиб, кейинчалик улар жойлашган ерларда кўп ярусли гаражлар барпо этилиши мумкин. Бу марказларда автомобил сақлаш жойлари қуёшдан ҳимояловчи, декоратив деворлар, қуёшдан, шовқиндан ҳимояловчи кўкаламзорлар билан жиҳозланиш таклиф этиш масаласи илгари сурилади.

Қатновга сарфланган вақт ишлаб чиқарилмаган вақт саналиб, йўловчилар уни қисқартирилишига қизиқадилар. Автомобилдан жамоат транспортига ўтиш бўлиши мумкин, қачонки умумий вақт сарфи катталашмаса, жамоат транспортига ўтиш ҳисобига қатнов шартли равишда йўловчилар учун қулай бўлади.

Шаҳарда имкониятлар таъминланишининг шарти бундай автомобил тўхташ жойлари тадқиқотнинг ўрнатилган назарий услублари мавжуд факторларда параметрларнинг ўзгариши билан қисқа муддатли вақт сарфланишининг мутаносиблигига боғлиқ.

Шаҳарсозлик талабларида автомобил тўхташ жойлари ва гаражларни илмий асосда режалаштиришда кўча ва йўлларни меъморий режалаштириш, қуришда жойларни ўрганиш концепциялари амалга оширилади.

У бевосита жамоавий муҳитда меъморий, режавий ташкиллаштиришни амалга ошириш билан боғланиб, аниқ бир мақсадга йўналтирилган гараж ва автомобил тўхташ жойларини ташкиллаштириш ва яшаш жойларида қайтадан ташкил қилинган анъанавий, давр талабига жавоб берадиган ечимлари билан аниқланади.

Транспортнинг турлари ва сонининг кўпайиши, кўча ҳаракатининг сўнгги йилларда кескин ошиши муносабати билан бош режаларни ишлашда эски услублардан воз кечиб, янги прогрессив услублардан фойдаланишни тақозо этади (бунда жуда майда кварталлардан воз кечиш, кўча йўл тармоғи зичлигининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик,

чорраҳаларни бир неча сатҳли қилиб лойиҳалаш ва ҳоказо). Транспорт тизимининг янги талабларига мос равишда ҳудудни функционал зоналаштириш, янгича транспорт тугунлари ва магистраллар тизимини шакллантирган ҳолда янги шаҳарлар ёки туманларни режалаштириш, транспорт тармоғини режалаштириш муаммосига хизмат кўрсатишни жамоат транспортларида ёки шахсий автотранспортларда ташкил қилишнинг ўзаро мутаносиблигини аниқлаш катта таъсир кўрсатади. Амалий вазифалар ечимида эса умумий хизмат кўрсатишга эришишни баҳолаш ҳар бир хизмат кўрсатишга киришишнинг имкониятларига боғлиқ.

Бундай ҳолларда четки ҳудудлардан автомобилларнинг катнаши ёки турдаги транспортлардан ташкил топади: автомобил-шаҳар транспорти, автомобил-темир йўл-шаҳар транспорти. Қатнов бир ёки икки қатнов йўли транспорт йўналишини алмаштириш орқали амалга оширилади.

Дарҳақиқат, бундай шароитларда асосий бўлиб, автомобилларнинг тўхташ жойлари билан таъминланиш саволи кўндаланг бўлиб, уларнинг транспорт тармоғидаги аҳамияти жуда муҳимдир. Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, чет эл давлатларида қатновдан фойдаланишнинг юқори даражаси уларнинг юқори натижасини кўрсатади, бунда автомобил тўхташ жойлари бошқа ҳудудлардан келувчи ва шу шаҳар аҳолисининг барча транспортларини кўча йўлнинг ўтказиб юбориш қобилиятига таъсир қилмасдан транспортларни тартибга солинади.

Амалий тажрибаларда бундай муаммолар тўлиқ ўрганилмаган бўлиб, ўрганилиши керак бўлган муҳим масалалар қаторида туради. Уни қўллаш бўйича тавсия ва йўриқлар мавжуд эмас.

Автомобил тўхташ жойларининг ҳажмига доир муаммога оид саволлар ечимининг қийинлиги автомобиллардан фойдаланиш характерлари ҳақидаги маълумотларнинг етарли эмаслиги ва уларнинг қурилиши ва лойиҳаланишида малаканинг йўқлигидан келиб чиқади.

Шаҳар автомобиллар парки кўча ҳаракати интенсивлигининг ошиши ва автомобил парклари учун кўча бўш майдонларининг қисқарганлиги билан боғлиқ. Автомобиллар ҳаракатда қисқа ўлчовли муддатда бўлади; кўп вақтини автомобил тўхташ жойларида ўтказади, гаражлар ва енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш жойлари шаҳарларда шаҳарни режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишда автомобил тўхташ жойлари учун жойлар ажратиб чиқилиши лозим. Бино ва иншоотлар олдидаги автомобил тўхташ жойлари учун талаб қилинган жойнинг ҳисобий нормалари мавжуд.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. Автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 409-модда); Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 июлдаги 213-сон қарорига илова. Автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом; Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этишни такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 26 апрелдаги ПҚ-62-сон қарори; Замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 10-11 сон, 112-модда; 14-сон 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштириш, яхшилаш юзасидан қў-шимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2009 йил 22- январдаги ПҚ 1045-сон қарори; Ўзбекистон Республикасининг "Шаҳарсозлик Кодекси", Указ Президента

РУз «О мерах по дальнейшему совершенствованию архитектуры и градостроительства в РУз» от 26.V.2000 г. № VII-2595; Постановление Кабинета Министров РУз «О мерах по совершенствованию деятельности Гос. Комитета РУз по архитектуре и строительству» от XII.2003 г. № 538; Постановление Кабинета Министров РУз № 165 от 2000 года «Об улучшении градостроительства городов»; ШНК 2.07.01-03* «Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш» Тошкент, 2009; ШНК 2.05.02- 07 «Автомобиль йўллари» Тошкент, 2007; [Ванникова](#) Е.М. "Многоэтажные подземные и надземные гаражи-стоянки", М., 1978 г., 156 е.; Го Дзюньити "Многоэтажный гараж", жур. "Изобретение стран мира" Наземное строительство, М., 1992 г., вып. 60, № 2, 50 е.; [Голубев](#) Г.Е. "Автомобильные стоянки и гаражи в застройке городов", М., Стройиздат, 1988 г., 252 е.; Касимова С.Т., Шоджалилов Ш., Бадер О.А. Шаҳарларни режалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш. Ўқув қўлланма. - Т.: ТАҚИ, 2002 йил; Лысогорский А.А. "Городские гаражи и стоянки. Формирование и хранение индивидуального автопарка в крупных городах", М., Стройиздат, 1972 г., 364 е.; Меркулов Е.А. и др. Проектирование дорог и сетей йўловчиского транспорта в городах.– М.: Стройиздат, 1998 г. адабиётларининг назарий ва амалий хулосалари ўрганиб чиқилди ва таҳлил қилинди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Олинган натижалар табиий тадқиқотлар маълумотлари билан танлов анкета сўров усули орқали амалга оширилади.

Ҳимояда қуйидаги ҳолатлар киритилган:

- Автомобил тўхташ жойларига келадиган автомобилларнинг мақсадларини аниқлаш усуллари;
- Автомобил тўхташ жойларига келадиган автомобилларнинг қанча муддатга тўхтаб туришини аниқлаш методикаси;
- Автомобиллар қайси йўналишларда кўпроқ ҳаракатланишини аниқлаш чора-тадбирлари;

- Аҳоли яшаш пунктларида автомобил тўхташ жойларида жойларнинг этишмовчилигини аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш методикаси.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ишлаб чиқилган усул автомобил тўхташ жойлари учун шаҳар ҳудудидан ажратилган ҳудудлардан фойдаланиш, шаҳар бош режаси ва транспортларнинг комплекс схемаси барча турдаги йўловчи ташиш транспортлари учун, аҳоли пунктлари учун режалаштирилади.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертация иши кириш ва 3 та бобдан иборат бўлиб, 12 та жадвал, 12 та расм, хулоса, интернет маълумотлари, адабиётлар рўйхати мавжуд. 35 та адабиётдан фойдаланилди. Магистрлик диссертацияси мавзуси асосида тадқиқот олиб бориш жараёнида 3 та илмий мақолалар чоп этилиб, республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинди.

I БОБ. АВТОМОБИЛ ТЎХТАШ ЖОЙЛАРИ ВА ГАРАЖЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1.1. Дастлабки эҳтиёжларни аниқловчи асослар

Автомобил аҳолининг узоғини яқин қиладиган, ҳаёт сифатини оширадиган воситалардан бири. Мустақиллик йилларида халқимиз турмуш даражаси нақадар юксалганини биргина шу жиҳат орқали ҳам англаш, ҳис қилиш мумкин.

Мамлакатимиз кўчаларида автомобиль қатнови бир зум тинмайди. Машиналар кўплигидан тирбандликлар юзага келмоқда. Тўхташ жойлари етмай, кўп қаватли автотураржойлар барпо этилмоқда. Аҳолининг юрти-мизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар билан таъминланиш даражаси тобора ўсмоқда. Агар 2000 йилда ҳар 100 оилага ўртача 20 та енгил автомобиль тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 71,4 тага етган. Оилаларнинг 31 фоиздан ортиғи иккитадан енгил автомобилга эга.

Бу кўрсаткичлар мамлакатимизнинг жадал ривожланаётгани, халқимиз фаровонлигининг ошиб бораётганидан далолатдир. Тарихан қисқа даврда, ўз кучимиз, ўз ақлу заковатимиз билан шундай улкан муваффақиятларга эришаётганимиз эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлайди. [6]

Автотранспорт воситаларини жойлаштириш уларнинг қандай ишларга мўлжалланганлиги ва турлари, эксплуатация шароити, ишга чиқиш ва кириш тартиби ҳамда алмашинувлар оралиғида сервис ва таъмир ўтказиш вақтларига мос келиши зарур. Булардан ташқари сақлашни ташкил этишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, майдондан тежамли фойдаланиш ва сарфланадиган сармоянинг самарадорлигига эришишни таъминлаш каби-лар ҳам кўзда тутилади.

Шахсий автомобилларни сақлаш учун гараж олиш, кўпқаватли уй-жойлар атрофига машиналарни қўйиш борасида баъзи муаммолар юзага келмоқда. Тўғри, кўпқаватли уйларда яшайдиган аҳолининг анча-мунчаси ўз шахсий автомобиллини сақлаш жойига - *гараж*ларга эга. Бироқ гаражи

йўқлар ҳам оз эмас. Бундай ҳолларда автомобилларни одатда кўп қаватли уйлар ёнига, подъездлар олдида қаторлаштириб қўйишади.

Автомобиллар сони йил сайин кўпайиб бориши уларни сақлаш учун етарлича автотураргоҳларни қуришни талаб этади. Айниқса, шаҳар жойларда бунга талаб ва эҳтиёж тобора ортмоқда. Шу маънода, автомобилларни қўйиш жойларини қуриш, улардан фойдаланиш тартиб-қоидалари ҳамда фуқароларнинг уларга амал қилишига доир муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиниши табиий эҳтиёж ҳисобланади.

Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 апрелдаги «Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида тартибга солинади. Бугунги кунда «Намунавий маҳалла» дастури асосида мавзелар ҳудудидаги бетартиб ўрнатилган гаражлар бузилиб, улар ўрнида очиқ турдаги, кўриқланадиган автотураргоҳлар ташкил этилмоқда ва автотранспорт воситаларини мазкур майдончаларда сақлаш мақсадга мувофиқдир. [2]

Кўпинча кўп қаватли уй-жойлар тагида подъездлар олдида, йўлчаларда автомобиллар туради. Бу ҳолат уйга кириб-чиқишда баъзан муайян қийинчиликларни келтириб чиқариши маълум. Қолаверса, болаларнинг, одамларнинг ҳаётига хавф солиши ҳам турган гап.

Кўпқаватли уйлар йўлчалари ва подъездларда автомашиналар тўхтаб туриши ёки қолдириб кетилиши, бу ерда фавқулодда ҳолат содир бўлганда махсус техникаларнинг юриши (ёки ўтиши)ни қийинлаштириб, халақит беради. Шу боис ҳам бундай жойларда машиналарни қолдириб кетиш қатъиян ман этилади.

Реконструкция қилинаётган ва янги қурилаётган автотураргоҳлар ишга тушгунига қадар, шахсий автотранспорт эгаси ўз машинасини санитария меъёрларига асосан, тураржойдан 15 метрдан кам бўлмаган масофада вақтинча сақлаб туришига рухсат берилган.

Умумфойдаланадиган автотураргоҳларни барпо этиб бўлиб, етарлича шароит яратилгандан кейингина фуқароларнинг подъезд ва йўлчаларга машиналарини қолдирмасликларига эришиш мумкин.

Бунда ҳар бир фуқаронинг машинага умумфойдаланадиган автотураргоҳлардан алоҳида доимий бепул жой ажратилиши кўзда тутилмоқда. Ана шундан кейин ҳам қоидага амал қилинмаса, маҳалла томонидан тегишли тартибда тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилади, амалдаги қонунчиликка асосан шахсий гаражлар вақтинчалик қурилма ҳисобланади. Ердан вақтинчалик фойдаланиш учун тузилган шартномага биноан, гаражни олиб ташлаш талаб қилинганда, гараж эгаси талаб қилинган муддат ичида ўз ҳисобидан гаражни олиб ташлаши керак.

Шахсий гаражларни олиб ташлашда асосан, қуйидагилар инобатга олинмоқда:

- ноқонуний ўрнатилгани;
- мақсадга мувофиқ фойдаланилмаётгани;
- ёнғин хавфсизлиги ва санитария-гигиена меъёрлари талабларига жавоб бермаслиги;
- ариқ ва канал бўйларида, ер ости коммуникациялар ўтказилган майдонларда, ижтимоий соҳа, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ёнида жойлашгани.

Ҳозирги кунда автомобиллар хавфсизлиги тўла таъминланган, видеокузатув ўрнатилган, яқин-атрофдаги аҳоли учун имтиёз тариқасида автомобилларни сақлаш учун тўлов нархи бир мунча арзон белгиланган. Тўловлар пластик карталар орқали ҳам қабул қилинади.

Автотураргоҳларда аҳоли учун қўшимча хизматлар ташкил этилган. Жумладан, бу ерда бир вақтнинг ўзида автосервис хизмати ҳам йўлга қўйилгани мижозлар учун айти муддаодир. Юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам барча қулайликларга эга ана шундай автотураргоҳларни барпо этиш одамлар оғирини енгил, хотирини жам қилишга муносиб шароит яратади.

Бугунги кунда автомобиллар сони нафақат шаҳарларда, балки олис-олис туман ва қишлоқларда ҳам муттасил ортиб бормокда. Демак, пойтахтда кузатилаётган манзара бошқа ҳудудларда ҳам бўй кўрсатиши эҳтимолдан йироқ эмас. Бинобарин, бунинг ечими бугунги қурилаётган уй-жойларда алоҳида эътиборга олинаётир. Хусусан, юртимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган намунавий уй-жойларда бу масала ҳозирок ечимини топган. Президентимизнинг кўрсатмалари асосида бундай уйлarning лойиҳаларида автомобилларни сақлаш учун ҳам алоҳида жой ажратилгани келажакда юқоридагидек муаммоларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Автомобилларни ёпиқ ёки очик ҳолда сақлаш, кўп ҳолларда кичик ҳажмдаги техник хизмат кўрсатиш (ТХК), айрим ҳолларда кўп истеъмолдаги эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш билан шуғулланувчи субъект. Махсус автосақлаш жойлари бутун мамлакат ҳудуди бўйлаб шаҳарлар ва қишлоқлардаги магистрал йўлларнинг ёқалари, аҳоли зич яшовчи мавзелар, бозорлар, меҳмонхоналар, темирйўл, авто ва аэровокзаллар ёнларидаги майдонларда жойлашган бўлади. [31]

1.2. Аҳоли яшаш пунктлари, иш жойлари ва хизмат кўрсатиш марказларида автомобил тўхташ жойлари ва гаражлар

Автомобил сақлаш жойи ер ости ва ер усти қаватлардан ташкил топган, бошқа биноларга ёндошган ёки ёнига қурилган, ер сатҳидан паст ёки баланд, шу жумладан, биноларнинг тагида, ер остида, ертўла, цокол ёки пастки ер усти қаватларида бўлиши ҳамда махсус жиҳозланган ер сатҳидаги очик майдончаларда жойлашиши мумкин. Ер ости автомобил сақлаш жойини кўча, майдон, сайлгоҳ ҳудуди тагига ҳам қуришга рухсат этилади.

Сиқилган табиий газ ва суюлтирилган нефт газларида ишловчи двигателли автомобиллар учун сақлаш жойини бошқа биноларга улаш ҳамда ер сатҳидан пастга жойлаштириш рухсат этилмайди. Ер усти

автомобил сақлаш жойлари 9 қаватдан ва ер ости автомобил сақлаш жойлари эса пастки 5 қаватдан ошмаслиги лозим.

Сақлаш жойларида навбатчи ва хизматчи ходимлар учун хоналар, ғазна, назорат жойлари, нозимхона, муҳандислик жиҳозлари, хожатхона, миждозлар қўл юки учун омборлар, телефон ва лифт мўлжалланиши мумкин. Йўловчи лифтига ногиронлик аравачаси кира олиши талаб қилинади.

Механизациялашган автомобил сақлаш жойи 50 машина – ўриндан кўп бўлмаган блокларга бўлиниши ва иморат баландлиги 28 метрдан ошмаслиги (СНиП 21-01-сонли қурилиш меъёрлари ва қоидалари) белгиланган. Биноларда жойлашган автотранспорт воситаларини сақлаш жойлари шароитга қараб иситиладиган ва иситилмайдиган бўлиши мумкин.

Автомобилларни сақлаш учун мўлжалланган бинолар бир ва кўп қаватли бўлиши мумкин. Бир қаватли бинолар содда ва кам харажатли бўлганлиги учун кенг тарқалган. Автомобиллар ер ости бинолари (ертўла)да сақланганда ёнғиннинг олдини олиш ва озодалик талабларига амал қилинган бўлиши лозим. [31]

Кўп қаватли сақлаш жойлари, асосан, енгил автомобиллар учун қўлланилади. Уларнинг таркибида 5 қаватли 285 машина-ўринли сақлаш жойи, бинога кириш ва чиқиш қоровулхоналари, автомобилнинг ўзи ҳаракатланадиган, сақлаш жойидан ажратилган иккита бир йўлли рампа, техник хоналар, иситиш тизими ҳамда бинога бириктирилган, майдони 90 м² бўлган, автомобил эҳтиёт қисмлари магазинлари мавжуд. Автомобилларнинг кириб – чиқиши иккита автомат равишда очиладиган дарвоза орқали амалга оширилади. Сақлаш жойи куну – тун, дам олишсиз ишлайди ва қўриқланади.

Кўп қаватли сақлаш жойларида рампалар конструкциясига қараб тўғри чизиқли, ярим айланали, айланали турларга бўлинади. Рампаларда ҳаракат бир ёки икки томонлама бўлиши мумкин. Бинонинг катталиги, қаватларнинг кўплигига қараб рампалар тизими содда ёки мураккаб

бўлиши мумкин. Рампалар бино ичига ёки ташқарисига ўрнатилиши мумкин. Рампа бино ташқарисига жойлаштирилса, унга ёғингарчилик тушмаслик чораси кўрилади.

Сақлаш жойларида қўлланиладиган рампалар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- а) ҳаракат йўлагининг бўйлама ўқи бўйича қиялиги:
 - берк тўғри чизиқли рампаларда 18 % дан;
 - эгри чизиқли рампаларда — 13 % дан;
 - очик (атмосфера ёғинларидан ҳимоя қилинмаган) рампаларда - 10 % дан ошмаслиги шарт.
- б) рампаларнинг кўндаланг қиялиги 6 % дан ошмаслиги керак;
- в) пиёдалар ҳам юрадиган рампаларда кенглиги камида 0,8 м бўлган тротуар мўлжалланиши зарур.

Механизациялашган сақлаш бинолари автомобилларнинг тик ва горизонтал ҳаракатланишининг механизацияланиш даражасига қараб қуйидаги икки гуруҳга бўлинади:

1. Тўлиқ механизациялашган — автомобилларнинг қаватлар оралиғида тик юриши ва қават ичида горизонтал ҳаракати механизациялашган;
2. Ярим механизациялашган — автомобилларнинг фақат қаватлар оралиғидаги кўтарилиши ва тушиши механизациялашган, қават ичида эса ўзи ҳаракатланади.

Механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган сақлаш биноларида автомобилларни жойлаштириш ва эгасига топшириш лифт-кўтаргич ва транспорт аравачалари (платформа) ёрдамида амалга оширилади.

Автоматик сақлаш жойларининг элеватор, цилиндр, башня турлари кенг тарқалган. Элеватор тизими учта автомобилнинг майдонига мос келадиган майдонда 44 тагача автомобилни сақлаш мумкинлиги сабабли катта шаҳарларга қўл келади.

Цилиндр шаклидаги сақлаш жойи кичкина майдондан самарали фойдаланиш имкониятини беради. Транспорт лифти айлана марказида

ҳаракатланади ва ҳар бир қаватда 6-12 машина-ўрин жойлаштирилади. Башня тизимида ҳар бир қаватда 6 тадан автомобил жойлаштирилади ва қаватлар ер ости ва ер устида бўлиши мумкин.

Катта шаҳарларда кичик майдонлардан самарали фойдаланиш мақсадида механизациялаштирилган кўп қаватли очик сақлаш жойлари ҳам жорий этилмоқда. Бундай енгил конструкциялар мавжуд очик автомобил сақлаш жойларига ўрнатилса, унинг сиғимини бир неча баробарга ошириб беради. Бу тизимлар анча арзон ҳамда уни доимий ва вақтинча вариантларда ҳам қўлласа бўлади.

Бундай комплекс механизациялаштириш усуллари автомобиллар орасидаги масофаларни ҳамда қаватлар баландлигини камайтириш ҳисобига бино майдони ва ҳажмини, яъни бир сақлаш жойига тўғри келадиган майдонни анчагина тежаш имконини беради. [1]

Лекин кўпгина мамлакатларда, шу жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам ҳозирга қадар аҳоли тасарруфидаги автомобиллар кўп қаватли уйлар мавзеларида темир гаражларда сақланиб келинган. Бу эса, ер майдонининг ортиқча сарфига, мавзе манзарасини бузилишига олиб келади. Ҳозирги кунда МДХ давлатларининг кўпчилигида шаҳар қурилишидаги ҳолат ўзгарди, масалан Россияда 2004 йилдан бошлаб яшаш учун бинолар қуриладиган мавзеларда замонавий кўп қаватли автомобилларни сақлаш иншоотлари ҳам қуриш мўлжалланган. Энди шаҳарлар гузарларда фақат дўконлар ва савдо марказлари эмас, балки замонавий автомобил сақлаш жойлари ҳам режалаштирилмоқда ва шахсий автомобил эгаларининг маблағлари ҳисобига “Халқ гаражлари” қуриш ҳам кенг йўлга қўйилмоқда.

Кўп қаватли сақлаш жойларида очик ва ёпиқ вариантлар мужассамлашган бўлиши, масалан, икки ер ости қавати ва биринчи ер усти қаватлари – ёпиқ, ундан юқорилари эса очик бўлган сақлаш жойлари қурилиши мумкин. Бундан ташқари, сақлаш жойларининг томларидан фойдаланиш масалалари ҳам кўриб чиқилмоқда, яъни бу жойлар шу

мавзеда яшовчиларникига бир неча кунга келган меҳмонлар учун ҳам мўлжалланган бўлади.

**Самарқанд вилояти ҳудудида мавжуд савдо ўринлар сони 100 дан ортиқ бўлган бозорлар ва улар олдидаги автотурагоҳлар тўғрисида
МА Ё Л У М О Т**

1-жадвал

№	Бозор номи ва тегишлилиги	Бозордаги савдо ўринлар сони	Бозордан автотурагоҳга бўлган масофа	Автотурагоҳнинг тегишлилиги	Автотурагоҳнинг иш тартиби	Атрофи ўралган, ўралмаган	Кириб келаётган Т.В.ларни текширилиши	Хайдовчиларга чипта-лар берилиши	Қўрикланади, қўрикланмайди	Қайд қилиш китоби мавжудлиги
1	«Сиёб» деҳқон бозори, давлат тасарруфида	1906	150 м	Давлат тасарруфида	Сутка давомида	Ўралмаган	Текширилади	Бор	Курикланади	Мавжуд
2	«Кечки буюм» бозори, давлат тасарруфида	533	Йўқ							
3	«Темирийул» деҳқон бозори, давлат тасарруфида	420	Йўқ							
4	«Дамарик» бозори, давлат тасарруфида	328	120 м	Давлат тасарруфида	Кундузи	Ўралган	Текширилади	Бор	Курикланади	Мавжуд
5	«Азиз» номли бозор, давлат тасарруфида	414	150 м	Давлат тасарруфида	Кундузи	Ўралган	Текширилади	Бор	Курикланади	Мавжуд
6	«Хазора» бозори, хусусий	800	100 м	Хусусий	Кундузи	Ўралмаган	Текширилади	Бор	Курикланади	Мавжуд
7	«Мармар» бозори, давлат тасарруфида	280	100 м	Давлат тасарруфида	Кундузи	Ўралмаган	Текширилмайди	Йўқ	Курикланмайди	Йўқ
8	«Каттакургон» деҳқон бозори, давлат тасарруфида	1935	120 м	Давлат тасарруфида	Кундузи	Ўралган	Текширилади	Бор	Курикланади	Мавжуд
9	«Дарвоза» деҳқон бозори, хусусий	225	55 м	Давлат тасарруфида	Кундузи	Ўралмаган	Текширилмайди	Йўқ	Курикланади	Йўқ
10	«Оқдарё» деҳқон бозори, давлат тасарруфида	520	100 м	Давлат тасарруфида	Кундузи	Ўралган	Текширилади	Бор	Курикланади	Мавжуд
11	«Журрият» бозори, хусусий	202	140 м	Хусусий	Кундузи	Ўралмаган	Текширилмайди	Йўқ	Курикланади	Йўқ
12	«Шайман» деҳқон бозори, давлат тасарруфида	320	40 м	Давлат тасарруфида	Кундузи	Ўралмаган	Текширилмайди	Йўқ	Курикланади	Йўқ

13	«Пайшанба» бозори, давлат тасарруфида	394	150 м	Хусусий	Кундузи	Уралган	Текширилади	Бор	Қурик-ланади	Йўқ
14	«Андоқ» бозори, хусусий	150	Йўқ							
15	«Вайрот» бозори, хусусий	138	150м	Хусусий	Кундузи	Уралмаган	Текширилмайди	Йўқ	Курик-ланади	Йўқ
16	«Куштепа» бозори, хусусий	170	100 м	Хусусий	Кундузи	Уралган	Текширилмайди	Йўқ	Курик-ланади	Йўқ
17	«Голибжон-Жамил» бозори, хусусий	195	100 м	Хусусий	Кундузи	Уралган	Текширимайди	Бор	Курик-ланади	Йўқ
18	«Октепасой» бозори, давлат тасарруфида	110	100 м	Давлат тасарруфида	Кундузи	Уралмаган	Текширилмайди	Йўқ	Қурикланади	Йўқ
19	«Мирбозор» бозори, давлат тасарруфида	550	150 м	Давлат тасарруфида	Кундузи	Уралмаган	Текширилмайди	Йўқ	Курик-ланади	Йўқ
20	«Пайарик» деҳқон бозори, давлат тасарруфида	313	50 м	Давлат тасарруфида	Кундузи	Уралмаган	Текширилади	Бор	Курик-ланади	Мавжуд

Енгил автомобиллар учун кенг тарқалган стандарт майдон 2,5 х 5,7 метр. Лекин шу қаторда 3 х 6 ёки 4 х 6 метрли майдон режалаштириш ҳам мумкин. Бу люкс майдон бўлиб, талабга биноан унинг атрофини енгил материаллар билан ўраб қўйиш, иситиш учун манба келтириш ва ҳоказо ишлар бажарилиши мумкин.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда замонавий терминаллар билан ишлайдиган тўхташ ва сақлаш жойлари мажмуаси ҳам қурилмоқда. Бош терминал биноси, тўхташ ва сақлаш жойларининг шаҳар четига юривчи поезд ва метро бекати атрофига мужассамлашган шакли келтирилган.

**Самарқанд шаҳар ҳудудидаги “Автомобил тўхташ жойлари”
фаолиятларини амалдаги қарорларга мувофиқ ўрнатилган талабга
жавоб берадиган АТЖ тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

2-жадвал

№	Қайси корхона ёки фирмага қарашли АТЖ	Раҳбар Ф.И.Ш.	Манзили	Хизмат кўрса- тиш тартиби	Шаҳар (туман) ҳокими қарори санаси ва рақами	Инкас- сация шартно маси мавжуд лиги
1	2	3	4	5	6	7
1	Кафолат фирмасига қарашли АТЖ	Набиев Жамшид	Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 90-уй	АКМСЖ	30.11.2000	-
2	Автомотохава скорга қарашли АТЖ	Муродов Навруз	Чўпон-ота	АКМСЖ	08.02.1995	-
3	Чайка кооператив ширкати	Исмоилов Комил	Сугдиёна истироҳат боғи	АКМСЖ	22.07.1986	-
4	Самарқанд ободонлашти риш департаменти га қарашли	С.Журакул ов	Ал-Бухорий Сиёб деҳқон бозори	АВТЖ	31.10.2002	-
5	Равшан фирмаси	А.Аролов	Самарқанд шаҳри, Саттепо маскани, 55 мактаб	АКМСЖ	25.05.2000	-
6	Акбар-Д фирмасига қарашли	Б.Қурбонов	Самарқанд шаҳри, Навоий кўчаси	АКМСЖ	24.06.2001	-
7	Назар МЧЖ	Носир Носиров	Ҳожиев бозори қаршисида	АКМСЖ	29.11.1993	Шартно ма бор
8	Автосервис ИЧТФ	К.Ибрагим ов	Самарқанд шаҳри, Нарпай кўчаси, Дамарик деҳқон бозори	АКМСЖ	03.08.2001	-
9	Автолюбитель жамияти	Муродов Навруз	Самарқанд шаҳри, Нарпай кўчаси, ДСК	АКМСЖ	09.05.1998	Шартно ма бор
10	Темирйўл деҳқон бозори	Саиджонов Хуршид	Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, бозор олди	АВТЖ	20.04.2001	Шартно ма бор
11	Дўстлик ресторани	Цатурян Сурина	Самарқанд шаҳри, Ал- Хоразмий	АКМСЖ	11.07.2003	-

			кўчаси, Беруний чоррахаси			
12	Ҳожиёв бозори	Ахмедов Заби	Самарқанд шаҳри, А. Темур кўчаси	АВТЖ	10.04.1999	Шартно ма бор
13	Жаҳонжон фирмаси	Аброров Орзу	Спитамен шоҳ бекати	АКМСЖ	15.02.2002	Шартно ма бор
14	Сиёб деҳқон бозори	М.Ҳамидов	Сиёб деҳқон бозори	АКМСЖ		Шартно ма бор
15	Алишер ХФ	М.Мамадал иёв	Самарқанд шаҳри, Суғдиёна массиви, 29-мактаб ёнида	АКМСЖ	05.06.1995	-

Ноқонуний ташкил этилган ва мутлақо талабга жавоб бермайдиган автомобилларнинг тўхташ ва вақтинчалик тўхташ жойлари

3-жадвал

№	АТЖ	Рахбар Ф.И.Ш.	Манзили	Хизмат кўрсатиш тартиби	Ўртача майдони	Ўртача бир кунлик нақд пул тушуми
1	2	3	4	5	6	7
1	Нуроний жамғармаси	Х.Рахматуллаев	Имом ал-Бухорий Сиёб бозори	АВТЖ	700	20000
2	Нуроний жамғармаси	Х.Рахматуллаев	Самарқанд шаҳри, Усто Умар Журакулов кўчаси	АВТЖ	200	15000
3	Нуроний жамғармаси	Х.Рахматуллаев	Амир Темур кўчаси йўл ости ва йўл усти	АВТЖ	300	10000
4	8-март маҳалласи	А.Қосимов	Самарқанд шаҳри, 8-март кўчаси, Бибиҳоним	АВТЖ	100	5000
5	Ургут карвон сарой	Гулямов Матлаб	Самарқанд шаҳри, Пенжикент кўчаси	АВТЖ	100	6000

**Ноқонуний ташкил этилган автомобилларни тўхташ ва вақтинчалик
тўхташ жойлари (амалдаги қонунга мувофиқлаштирилса
жой талабга жавоб беради)**

4-жадвал

№	АТЖ номи	Раҳбар Ф.И.Ш.	Манзили	Хизмат кўрсатиш тартиби
1	2	3	4	5
1	Бог. Т. ЙФ5	Сатторов Р	М.Улугбек. Обл бол ёни	АВТЖ
2	Бог.Т. ЙФ5	Сатторов Р	Саттепо маскани 29уй ёни	АКСЖ
3	"Хожиев" бозори	Ахмедов Заби	Хожиев Бозор каршиси	АВТЖ
4	"Питак"	Носиров Мурод	Узбек Трак кучаси	АКСЖ
5	Сам.МИ 1-клиника		Рудакий кучаси	АВТЖ
6	Сам.МИ 1-клиника		Дахбед кучаси	АВТЖ
7	Шаҳар шифохонаси	С. Оролов	Навоийшоҳ кучаси	АВТЖ
8	Нуроний жамгармаси	Раҳматуллаев Х	Шохизинда ёни	АВТЖ
9	Сам.МИ 2-клиника		СаММИ 2 клинакаси оркаси	АВТЖ
10	Сам.МИ 2-клиника		СаММИ 2 клинакаси олди	АВТЖ
11	ЧП Мамедов Ш	Мамедов Ш	А.Икромов куч.Октябр кино-р олди	АКМСЖ
12	Нуроний жамгармаси	Раҳматуллаев Х	Нарпай куч. Дамарик дех.б	АВТЖ
13	Нуроний жамгармаси	Раҳматуллаев Х	Рудакий куч.Тем.Дех бозори	АВТЖ
14	Нуроний жамгармаси	А.Рахимов (ЧП)	Беруний куч. 42-мактаб ёни	АКМСЖ
15	Нуроний жамгармаси	Раҳматуллаев Х	Улугбек расад. Ени	АВТЖ

Унда қисқа муддатли тўхташ жойи, қисқа муддатли сақлаш жойи, автобуслар сақлаш жойи, автомобиллар ижараси, такси автомобилларини сақлаш жойи учун мўлжалланган бўлиб, терминал биносига кириш икки поғонадаги йўлак билан амалга оширилади. Майдонлар юк аравачалари, турар жой ҳақини тўлаш учун автоматик ғазналар, ногиронларни тушириш жойи каби қулайликларга эга. Катта шаҳарларда кичик майдонлардан самарали фойдаланиш мақсадида механизациялаштирилган кўп қаватли очик сақлаш жойлари ҳам жорий этилмоқда. Бундай енгил конструкциялар мавжуд очик автомобил сақлаш жойларига ўрнатилса, унинг сиғимини бир неча баробарга ошириб беради. Бу тизимлар анча арзон ҳамда уни доимий ва вақтинча вариантларда ҳам қўлласа бўлади.

Бундай комплекс механизациялаштириш усуллари автомобиллар орасидаги масофаларни ҳамда қаватлар баландлигини камайитириш ҳисобига бино майдони ва ҳажмини, яъни бир сақлаш жойига тўғри келадиган майдонни анчагина тежаш имконини беради.

Қуйидаги транспорт воситалари доимий ва вақтинча сақлашга қабул қилинмайди:

- ёқилғи ёки мой, суюқ ва суюлтирилган газ сизиб турган;
- салони ёки багажникида тез ёнувчи, портлаш хавфи бўлган, радиоактив ёки захарли моддалар бўлган;
- йўл-транспорт ҳодисаси натижасида техник жиҳатдан шикастланган автомототранспорт воситалари (бундай автолар ЎзР ИИВнинг ЙҚХБдан тегишли маълумотнома тақдим этилган тақдирда сақлаш жойларига қўйилиши мумкин);
- энг юқори вазни 3,5 тоннадан ортиқни ташкил қиладиган ва ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари, ўтириш жойлари сони 8 тадан ортиқ бўлган транспорт воситалари (мазкур автотранспорт воситалари улар учун назарда тутилган махсус автомобил тўхташ жойларида сақланиши керак).

Мижоз учун қулай бўлган кириб келиш жойида қуйидагилар осиб қўйилиши керак:

- автомототранспорт воситаларини сақлаш қоидалари;
- ёнғин хавфсизлиги талаблари;
- автомототранспорт воситаларини қабул қилиб олиш ва сақлаш учун масъул шахсларнинг вазифалари;
- кўрсатиладиган хизматлар учун амалдаги тарифлар;
- юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси.

Автомототранспорт воситаларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар санитария нормалари ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилиши, автомототранспорт воситаларининг сақланиши, шу жумладан уларни доимий ва вақтинча сақлаш вақтида, яъни улар

эгаларига (ёки уларнинг вакилларига) қайтарилгунгача ёхуд улар мажбурий равишда махсус автомобил тўхташ жойига эвакуация қилингангача рўй берган автомобил воситаларининг олиб қочиб кетилиши, ўғирланиши, қисмларга ажратилиши ва шикастланиши учун жавоб берадилар.

Автомобилтранспорт воситаларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахсга зарар етказилган тақдирда автомобилтранспорт воситасининг эгаси (ёхуд унинг вакили) етказилган зарар учун жавоб беради. [2]

Автотранспорт воситаларини сақлашда унинг ташқи ўлчамлари катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҚМҚ 21-02-99 рақамли қурилиш меъёрий ҳужжатида автотранспорт воситалари беш тоифага бўлинади ва шу асосда автомобиллар ҳаракат таркибини жойлаштиришда геометрик ўлчамлар меъёрий кўрсаткичлар сифатида белгилаб берилади.

Ҳар хил туркумдаги автомобилларнинг ўлчамлари

5-жадвал

Автомобил туркумлари	Автомобил узунлиги, м
I	5,0 гача
II	6,0-7,5
III	8,0-9,5
IV	10,5-12,0
V	16,5 ва ундан ташқари

Автомобиллар ва бино конструкциялари оралиғидаги масофалар

6-жадвал

Масофа, м	Автомобил туркуми		
	I	II	III-IV
Автомобилнинг бўйлама томонлари оралиғи; девор ва автомобил бўйлама томони оралиғи	0,5	0,6	0,8
Автомобилнинг бўйлама томони ва устун оралиғи	0,3	0,4	0,5


Автомобилнинг олд томони ва девор ёки дарвоза оралиғи: тўғри бурчакли жойлаштиришда ўткир бурчакли жойлаштиришда	0,7 0,5	0,7 0,5	0,7 0,5
Автомобилларнинг орқа томони ва девор ёки дарвоза оралиғи: тўғри бурчакли жойлаштиришда ўткир бурчакли жойлаштиришда	0,5 0,4	0,5 0,4	0,5 0,4
Автомобилларнинг олд ва орқа томонлари оралиғи	0,4	0,5	0,6

Изоҳ: 1. Агар девор ва устун ёнига (автомобил баландлигигача бўлган масофа) иситиш асбоблари, шамоллатиш қурилмалари ёки бошқа жиҳозлар ўрнатилган бўлса, оралиқ масофа ушбу жиҳозгача олинади.

1. Автомобилларни жойлаштираётганда ҳайдовчи кириши ва чиқиши учун кабина эшигининг очилишини ҳисобга олиш зарур.
2. Бинода автомобилнинг ҳаракати тўғри чизиқли ва механизмлар ёрдамида амалга оширилса, жадвалда кўрсатилган масофаларни икки марта камайтиришга рухсат этилади.
3. Автомобиллар очик ва шийпонли майдонларда сақланганда масофалар автомобиллар учун 0,1 метрга, автопоездлар учун 0,2 метрга оширилади.
4. Агар икки ва ундан кўп автомобиль бир дарвозадан чиқадиган бўлса, автомобиль ва дарвоза оралиғидаги масофа автомобиллар бир-бирига ҳалақит бермасдан ўтадиган даражада қабул қилинади. Автомобилларни сақлаш жойларида жойлаштириш усуллари автомобилни жойга киритиш ва чиқариш, автомобил қаторлари сони, ички юриш йўлининг мавжудлиги, қаторларнинг юриш йўлига нисбатан жойлаштириши ва автомобилнинг ички ёки ташқи юриш йўли ўқиғига нисбатан ўрнатилишига қараб гуруҳланади. [5]

Автомобиллар сақлаш жойига кириб-чиқиш бўйича боши берк ва тўғри оқимлиларга бўлинади. Биринчи усулда автомобиль жойга олд томони билан кириб, орқага юриб чиқиб кетади ёки тескариси. Иккинчи усулда

автомобилнинг сақлаш жойига кириши ва чиқиши фақат олдинга юриб амалга оширилади. Биноларда боши берк ҳолда жойлаштиришда асосан автомобил орқага юргизиб киритилади, чунки бунда майдон тежалади ва тез чиқиб кетиш таъминланади.



1.1-расм. Икки томонлама жойлаштириш усуллари

Агар автомобиллар очик майдонларда боши берк усулда жойлаштирилса ва иситиш қурилмаларига уланадиган бўлса, унда олд томон билан киритилади.

Тўғри оқимли жойлаштиришнинг боши беркка қараганда афзаллиги мавжуд, яъни бунда орқага юриш зарурияти йўқолади. Бу усул ташқи ўлчамлари катта автомобилни ҳамда автопоездларни жойлаштиришда қўл келади.

Автомобиллар бинода сақланганда юриш йўли бино ичида ёки бино ташқарисида режалаштирилиши мумкин. Ички юриш йўли автомобил жойига бориш, бурилиб кириш ва жойидан чиқиб кетиш учун хизмат қилади. Ички юриш йўлисиз, яъни тўғридан-тўғри кириш ва чиқиш усулида бино майдони тежалади. Лекин ҳар бир автомобил жойи учун дарвоза қуриш зарурияти туғилади. Шунинг учун жуда совуқ иқлим шароитида бундай усулни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг 31.07.2013 йилдаги 213-сон қарори билан “Автомобилтранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди. ВМнинг 5.04.2010 йилдаги 63-сон қарори билан тасдиқланган “Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли

хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида” низом ўз кучини йўқотди. Автомобил эгалари учун энг муҳим ўзгариш шундаки, аввалги Низом автотранспорт воситаларини уларни аниқ эгаларига бириктирилмасдан фақат вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилар эди. Янги Низом автототранспорт воситаларини сақлаш жойларини автототранспорт воситаларининг аниқ эгаларига бириктирган ҳолда уларни доимий ва вақтинча сақлаш бўйича пуллик асосда кўрсатиладиган хизматларни назарда тутди. [4]

Автомобилларни сақлаш жойига жойлаштириш бир, икки ва кўп қаторли турларга бўлинади. Бир қаторли жойлаштириш ички юриш йўли билан боши берк ва тўғри оқимли усулда кенг қўлланилади, чунки автомобиллар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда сақлаш жойига киради ва чиқиб кета олади.

Автомобиллар боши берк жойларга энг кўпи билан икки қаторли қилиб жойлаштирилади, тўғри оқимлида эса қаторлар сони саккизтагача бўлиши мумкин. Икки ва ундан кўп қаторли қилиб жойлаштиришда фақат биринчи қатор автомобиллари эркин чиқиб кета олади, бошқа қатордагилар эса олдинги қатордаги автомобилларнинг чиқиб кетиб йўлни бўшатишини пойлаб туришга мажбур.

Қаторлар бинонинг ичида ички юриш йўлига нисбатан бир томонга ёки икки томонга жойлаштирилади. Икки томонлама қаторларни жойлаштириш бинонинг майдонини анча тежашга имкон беради, яъни бир йўлдан иккала қатордаги автомобиллар фойдаланади.

Сақлаш жойларида автомобиллар юриш йўли ўқига нисбатан тўғри бурчакли $\alpha = 90^\circ$, кичик бурчакли $\alpha < 90^\circ$ ва паркетли усулларда жойлаштирилади. Тўғри бурчакли жойлаштириш кичик бурчаклига қараганда ички юриш йўлининг кенг бўлишини тақозо этади, лекин кичик бурчакли жойлаштиришда юриш йўлининг эни камайгани билан қаторнинг узунлиги

ошиб кетиши ҳисобига умумий майдон ошиши сабабли тўғри бурчакли жойлаштириш тежамкор ҳисобланади.

Кичик бурчакли жойлаштиришнинг бир кўриниши паркет усулидир. Бундай жойлаштиришда бўш учбурчакларни тўлдириш ҳисобига анча майдон тежалади.

Кичик бурчакли жойлаштириш хорижда кенг тарқалган ва у қисқа муддатли тўхташ жойларида, рельефи ноқулай сақлаш жойларида қўлланилади. Бундан ташқари ушбу усул ўлчами катта автомобиллар ва автопоездлар учун қулай ҳисобланади. Автопоездлар, асосан, кичик бурчакли бир қаторли қилиб жойлаштирилади. Тиркамалар учун эса паркет усули анча майдон тежаш имконини беради.

Ҳар хил ўлчамли автомобилларни бир қаторда сақлаш учун ҳам кичик бурчакли усул қўлланилади. Бунда ўлчами кичик автомобил каттароқ бурчакда, ўлчами катта автомобил эса кичикроқ бурчак билан жойлаштирилиб, юриш йўлининг умумий бўлишига эришилади.

1.3. Узоқ муддатли автомобил тўхташ жойларида сақлаш бўйича талаблар

Автотранспорт воситалари техник ҳолатининг ўзгариши уларнинг қандай сақланишига ҳам боғлиқдир. Автотранспорт воситаларини сақлаш, уларнинг сақланиш муддатига қараб қисқа ва узоқ сақлаш (консервация)га ажратилади.

Автосервис корхоналари ва сервис марказларида эса автотранспорт воситалари сервис ёки таъмирлашни кутиш вақтида ва тузатилгандан кейин мижоз уни олиб кетгунча сақланади. Узоқ муддатли сақлаш, асосан, муҳофаа ва ички ишлар вазирлиги автотранспорт воситалари учун қўлланилади.

Сақлаш пайтида автотранспорт воситаларининг техник ҳолати ёмонлашмаслиги, ишгача тўлиқ (бутун) сақланиши, ёнғин чиқиш хавфидан

холи бўлиши ҳамда сақлаш жойларига кириши ва чиқиши қулай бўлиши зарур.

Автомобилтранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш, шунингдек хизматлар кўрсатиш талаблари пухта тартибга солинади. Авваллари бўлганидек, автомобилларни сақлаш хизматларини кўрсатиш бўйича хизматлар фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Доимий сақлаш жойлари, хусусан, уй-жой мавзеларидаги бузиб ташланган якка тартибдаги гаражлар ўрнида ташкил этилади. Автомобилтранспорт воситалари эгаларининг якка тартибдаги гаражлари бузиб ташланган тақдирда уларга автомобил воситаларини доимий сақлаш бўйича уй-жой мавзеларидаги бузиб ташланган якка тартибдаги гаражлар ўрнида ташкил этиладиган автомобил тўхташ жойида доимий равишда бепул бириктирилган жой берилиши белгиланган.

Автотранспорт воситаларининг эгаларига доимий бириктирилган вақтинча сақлаш жойларида улар эгасининг уй манзили ва транспорт воситасининг давлат тартиб рақами ёзилган табличка ўрнатилган бўлиши керак. Автомобилтранспорт воситаларини доимий сақлаш учун тўлов миқдорига келсак, у сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахс ва автотранспорт воситасининг эгаси билан тузилган ёзма шартнома асосида белгиланади. Тарифлар хизматларни кўрсатувчи юридик шахслар томонидан белгиланади, лекин тўловлар халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан хизматларнинг ушбу тури учун белгиланган тўловнинг чекланган миқдоридан юқори бўлмаслиги керак.

Доимий сақлаш жойларидаги бўш ётган ёхуд вақтинчалик фойдаланилмаётган жойлар автотранспорт воситалари эгалари билан келишган ҳолда уларни вақтинча сақлаш учун берилиши мумкин. Транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасига ва пластик карточкалардан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалига эга бўлишлари керак.

Бундан ташқари, ҳудудларда, шу жумладан 300 та ва ундан кўп турғун савдо шаҳобчаларига ва савдо ўринларига эга бўлган ёндош бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш хизматлари кўрсатилган тақдирда автотранспорт воситаларининг кириб келиш ва чиқиб кетиш вақтини қайд қилиш функцияларини бажарадиган электрон ҳисоблагичлар мажбурий тартибда ўрнатилади.

Аҳолини автомобиллар билан кенг таъминлаш ва фуқаролар автомобилларини техник соҳа ҳолда асраш, меҳнат ва материал ресурслардан тежамли фойдаланиш, уларни сақлаш ва қўриқлашнинг ташкил этишни тақозо этади. ТХКСлар тармоғининг ривожланиши билан бир қаторда базалар ва эҳтиёт қисм омборлари, ҳамда автомобилларнинг сақлаш муаммоларини ҳал қилиш долзарб муаммо ҳисобланади. Йирик ва катта шаҳарларда шахсий автомобилларга гаражлар учун ер участкалари ажратиш муаммо бўлиб, автомобил турар жойлари яратиш ва қуриш тўлиқ қаноатлантирилмаган.

Автомобиллашув муаммоси билан бир қаторда ҳозирги даврда йирик шаҳарларда доимий гаражлар қуриш ва қисқа вақт учун шахсий енгил автомобил турар жойларини қуриш муаммоси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлмоқда.

Охирги даврларда фуқароларга қарашли шахсий автомобилларни сақлаш ташкилоти тармоқлари анча кенгайди. Барибир, кўп ҳолларда шаҳарларда хусусий автомобиллар кўчаларда ва уй-жойлар олдиларида қаровсиз қолдирилмоқда. Бу эса шаҳар ҳудудининг тирбандлигига олиб келмоқда, шаҳарнинг санитар-гигиеник ҳолатини сақлашга, механизациялашга тозалаш ишларини олиб боришга ҳалақит бермоқда. Автотранспортлар ва пиёдалар ҳаракатланишларига тўсқинлик қилмоқда. [21]

Фуқаро автомобиллари сақлаш масаласи анчагина қийин муаммо бўлиб, уларни сақлаш учун 2 та сақлаш жойи керак бўлади: 1 таси автомобилни сақлаш учун; 2-чиси тўхтаб туриш учун. Тўхтаб туриш жойи,

сақлашга нисбатан камроқ талабга эга. Тўхтаб туриш жойлари маданий ва маиший, савдо ва маъмурий марказларга яқин бўлишини талаб этади.

Техник-иқтисодий томондан очиқ ҳолда 5^0 С дан паст температуралар энгил автомобилларни бир қаватли ҳолда сақлаш, шаҳар шароитида, авто турар жой талаб этилган жойлар сонини таъминлаш анчагина қийин масала ҳисобланади. Бундай шароитларда автомобилларни сақлашда, хавфсизлик оралиғини сақлаган ҳолда йўлакларнинг 25 м^2 майдонини эгаллайди. Кўп қаватли ҳолда автомобил сақлаш майдони анча камаяди: икки қаватли 15 м^2 , уч қаватли бўлганда 10 м^2 , тўрт қаватли 8 м^2 , беш қаватли эса 6 м^2 жойни эгаллайди.

Мамлакатимиздаги ва чет эллардаги тажриба шуни кўрсатадики, гараж ва автотураржойлар ўзларининг конструкциялари, қурилиши ва иншоотнинг тури ўзининг шароитдан келиб чиқиб барпо этилиши, баъзи-бир хусусиятлари, яъни аҳоли зич бўлган уй-жойлар ичида қурилиши, шаҳарнинг марказий қисмида жойлашиши, жамоат ва маъмурий комплексда вақтинчалик ва уй-жойларда доимий бўлганлиги билан фарқланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги сақлаш жойлари ва иншоотларни яратиш мақсадга мувофиқдир:

- кўп қаватли яшаш уйлари зонасида 25-200 автомобиллар доимий сақлаш учун очиқ автосақлаш жойлари, махсус майдонларда тўхташ жойлари микрорайоннинг 30-50% талабини қондирадиган иқлим шароитларини кўзда тутган ҳолда барпо этиш;

- гараж-сақлаш жойларига 100÷500 тагача автомобил учун мўлжалланган кўп қаватли 2-5 рампали гаражлар қуриш;

- ер ости 1-3 қаватли 50-300 тагача автомобилга мўлжалланган ер рельефидан келиб чиқиб гараж - сақлаш жойлари қуриш;

- шаҳар марказий қисмларида автомобилларни вақтинчалик сақлаш учун 6-8 ва ундан юқори қаватли (ер усти ва ер ости) 200÷1500 автомобил

гараж-сақлаш жойлари, шу билан бирга механизациялашган сақлаш иншоотлари яратиш;

- шаҳар тарихий ёдгорликлари ва пейзажларини авайлаган ҳолда, магистрал автойўл остки қисмларида кўп ярусли сақлаш жойларини барпо этиш.

Яшаш жойларини автомобилдан чиқадиган шовқин ва заҳарли газлардан муҳофаза қилиш учун пастки қаватларда квартиралари бўлмаган уйлар остида гараж ва сақлаш жойлари қуриш, пастки қават эшик ва деразаларидан заҳарли тутунларни яшаш жойларига киришини анчагина камайтиради. [28]

Уй-жойларни гаражлар билан бирга қурганда квартира суммасининг 10 % гина гараж баҳоси ташкил этадиган қилиб лойиҳалаш яхши натижалар беради. Бундай гаражлар ўзининг харажатларини 1,5 – 2 йилда қоплайди.

Гараж сақлаш жойлари шаҳар марказий қисмида кооператив асосида қурилиши рентабелли бўлиб, гараж учун харажатларни камайтиради.

Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойи қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- сирти қаттиқ қопламали, ёритилган, ахлатларни йиғиш учун контейнерлар, ёнғинга қарши воситаларга эга бўлиши;
- ҳудудга кириш ва ундан чиқиш учун махсус ажратилган жойлар бўлиши;
- атрофи ўралган, махсус ажратилган кириш (чиқиш) жойини айланиб ўтиб, ҳудудга кириш (ундан чиқиш) имконини бермайдиган бошқа тўсиқларга эга бўлиши;
- агар ҳудуд автомашиналарни бир неча қатор қилиб жойлаштиришга мўлжалланган бўлса, полосаларга ажратилган бўлиши;
- ажратилган кириш (чиқиш) жойига туташ, кўринарли жойда назоратчи-кассирнинг хона (будка)си, унинг ташқи томонида йирик ҳарфлар билан автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича

пулли хизматлар кўрсатиш тарифлари ва шартлари тўғрисидаги ёзувлар бўлиши;

- ногиронлар учун махсус жиҳозланган (камида иккита) жой мавжуд бўлиши шарт.

Шаҳарда йўловчилар ҳаракатининг тезлиги, узлуксизлиги ва хавфсизлиги асосий пиёдалар ҳамда транспорт тугунларини, алоҳида «автомобилсиз» пиёдалар кўчалари, майдонлари ҳамда зоналарини бир-биридан имконият даражасида тўлиқ ажратиш орқали таъминланади. Транспорт воситалари учун ёпиқ бўлган бундай муҳитларнинг шакли (конфигурацияси) ва давомийлиги, асосан, бу қурилмаларнинг тайинланиш мақсади ҳамда характери, шунингдек, жамоат транспорти бекатларидан қурилмагача бўлган масофа радиусига кўра аниқланади (режавий модулни тахминан 300 м радиусли деб қабул қилиш мумкин). Транспортдан транспортга ўтиш тугунларида ва жамоат доимо мавжуд бўладиган объектларда, масалан, вокзалларда, умумсавдо марказларида бу модулни тахминан икки баробар қисқартириш ва, аксинча, жамоат дам олиш зоналари, кўргазма мажмуалари, стадионлар ҳамда шунга ўхшаш объектларда 1,5—2 марта катталаштириш мақсадга мувофиқ. [32]

Турли гуруҳ ва типдаги жамоат биноларининг шаклланиши, уларга кириш йўллари ва кириб-чиқиб турадиган хизмат кўрсатувчи автомобилларнинг туриш жойлари, гаражларни ташкил этилишига ҳам таъсир этмоқда. Нисбатан йирик жамоат бинолари ва уларнинг мажмуаларидаги автомобилларни сақлаш жойлари ва гаражлар аксарият фазовий структурасининг (тузилиши) ва баъзи объектлар архитектуравий композициясининг ажралмас элементига айланиб бормоқда.

II-БОБ. Автомобил тўхташ жойлари ва гаражларни ташкил қилиш

2.1. Ташиш тизимида автотранспортларнинг ўрни. Автомобил тўхташ жойларида сақлаш хизматлари

Транспорт мамлакатда ғоят кўп ва хилма-хил ишларни бажаради. У одамларнинг кундалик алоқаларини, барча вилоятлар ва туманлар ўртасида мунтазам алоқани таъминлайди, одамларнинг маданият ютуқларидан кенг баҳраманд бўлишига хизмат қилади.

Йўловчилар ташувчи транспортларнинг муҳим вазифаси-одамларнинг ўзаро алоқасини кенгайтириш, тажрибалар алмашиш, уларнинг маданий савиясини оширишга ҳам хизмат қилишдан иборат бўлиши керак. қишлоқ туманларини шаҳарлар билан бирлаштирувчи йўловчи транспорти ишини кенг йўлга қўйиш шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги мавжуд муҳим тафовутларни тугатишнинг катта омили ҳам ҳисобланади.

Транспорт бўлажак буюк Ўзбекистон моддий-техника базасининг фаол бир қисми бўлиши билан бирга, бу базани яратишда ҳам муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг қисқа даврли мустақиллик йиллари мобайнида умумфойдаланиш магистрал темир йўлларининг узунлиги Тожикистон ва Туркменистон Республикалари ҳудудларида жойлашган темир йўлларни чиқиб кетишига қарамай 2,5% га ошди. Барча жихозлар, локомотив ва бошқа транспорт воситалари такомиллаштирилди. Темир йўлларнинг деярли ҳаммасида электровоз ва тепловозлар қатнайди. Сўнгги йилларда транспортнинг янги турлари бўлмиш автомобил, ҳаво ва нефт, нефт маҳсулотлари, газ ва бошқа товарларни қувурлар орқали юбориладиган транспорти кенг ривожланди. Ҳозирги кунда улар мамлакатимиз ягона транспорт тизимида ўз ўринларини мустаҳкам эгаллаб олганлар. Мустақилликдан аввалги даврдан қолган эски автомобил йўллари кенгайтирилиб борилмоқда. Фарғона водийси-Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Нукус-Бейнеу замонавий андозаларга жавоб берувчи 1800 км.ли магистрал автомобил йўли илгарилари ғарб ва шарқни

бирлаштирган “Буюк ипак йўли”ни тиклашнинг рамзидир. Андижон-Ош-Эркентош автомобил йўли Хитой орқали Шарқий сув ҳавзаларига чиқиш имконини беради. Европа иттифоқи Таъсис дастури экспертларининг тан олишига кўра, Марказий Осиё давлатлари ичида фақат бизнинг мамлакатимиздаги ғарб ва шарқ давлатлари билан савдо-сотиқ билан товар алмаштиришга етарли миқдорда автомобил саройи, уларнинг меъёрида ишлаши учун техника хизмати кўрсатиш ва автосервис хизматлари мавжуд.

Мамлакатимизнинг барча йирик шаҳарлари ва шаҳар русумидаги поселкалари ўзаро ҳаво йўллари билан бирлаштирилган. Ҳозир мамлакатимизнинг ҳамма йирик шаҳарлари, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси маркази кўп ўринлик давр талабига жавоб берувчи реактив самолётлар қабул қила оладиган аэропортларга эга ва улар илғор техника жиҳозлари билан қуролланган.

Ҳозир кунда транспорт мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг таркибий қисми сифатида фан ва техника ютуқларини кенг миқёсда татбиқ этувчи улкан динамик тизимига айланди. [6], [7]

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг мураккаб транспорт тизимида турли магистрал (темир йўл, автомобил, ҳаво ва қувур орқали юборғич) транспортлар ўзаро биргаликда ривожланмокда. Бу тизимга магистрал транспортлардан ташқари шаҳарларда ва ишлаб чиқариш корхоналари ичида хизмат қилувчи транспортлар ҳам киради.

Транспорт тармоқлари ўзаро боғлиқлиги ва иш бажариш мақсадларининг бирлиги билан давлат ягона транспорт тизимини ташкил этади ва иш жараёнларида жамиятнинг объектив ривожланиш қонунларига бўйсунди.

Транспорт воситаларига юк ва йўловчилар ташиш учун мосланган темир йўл ва автомобил транспортидаги вагон, тепловоз, электровоз, автомобил, тиркама ва автопоездлар, дарё сув кемалари, самолётлар ва ҳоказолар киради.

Техник қурилма ва иншоотларга — ҳар хил бинолар, заводлар, таъмирлаш устахоналари, омборлар, юк ортиш-тушириш жойлари, дарё портлари ва аэропортлардаги жихозлар, йўл иншоотлари-кўприк, тоннел ва ҳоказолар киради.

Бунга ҳар хил транспорт турларидан фойдаланиш ва улар иши самарадорлигини оширишнинг амалий масалаларини ҳар томонлама кўриб чиқиш киради. Бунда транспорт турлари ўртасида ташиш ишларини мақсадга мувофиқ тақсимлаш ва транспорт айрим турларини ривожлантиришни тўғри белгилашга алоҳида аҳамият берилади.

Одатда барча автомобил корхоналарида автомобилларга кундалик ва техник хизмат кўрсатилади. Бунинг учун уларда махсус устахоналар ва ускуналар бўлиши керак.

Автомобил корхоналарининг кўпчилиги юк ёки йўловчи ташиш бўйича ихтисослаштирилган. Баъзи бир, асосан қишлоқ ва узоқ туманларда жойлашган автомобил корхоналари аралаш турда ташкил этилган бўлиб, улар таркибида юк автомобиллари, автобуслар ва таксилар мавжуд, улар юк ва йўловчилар ташийди.

Минтақавий автомобилларда ташиш уюшмаларига қарашли автомобил корхоналарининг кўпчилиги йирик корхоналардир, уларда 100-120 та автомобил бор.

Юк автомобили бекатлари (ЮАБ) автомобил транспорти тизимида шаҳарлараро юкларни ташиш учун ташкил қилинади.

ЮАБ йирик шаҳарларда ва саноат марказларида, шаҳарлараро мунтазам маршрут узеллари, денгиз ва дарё пристан ва портлари олдида жойлашади. Одатда ЮАБ бинолар ва қурилмалар комплексига эга бўлади.

ЮАБнинг асосий вазифалари қуйидагилардир: юкларни шаҳарлараро мунтазам равишда ташишни ташкил қилиш, контейнерларда майда юкларни етказиб бериш ва жўнатиш; транспорт-экспедицион ва омбор операцияларини бажариш; ўз омборларида юклаш-тушириш ишларини бажариш; қисқа масофага ташиладиган юкларни темир йўлдан автомобил

транспортга ўтказиш; юк эгаларидан юкларни қабул қилиб олиш ва уларни йирик партияларга қайта тўплаш; юкларни олувчиларга етказиб бериш; қисқа вақт давомида транспорт воситасини ўз ҳовли майдончаларида юк билан бирга сақлаш; кузовларни ювиш ва тозалаш; контейнер ва ярим тиркамаларни майда таъмир қилиш; шаҳарлараро катнайдиған ҳайдовчиларнинг ҳордиқ чиқаришини таъминлаш; транспорт воситасининг ҳаракат графигини назорат қилиш; ташилган юк учун юк жўнатувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш ва ҳоказо.

ЮАБ ташиш учун юкларни шартномалар ва буюртмалар асосида қабул қилади. Майда юклар йиғилиб, ЮАБ омборига етказилади ва йўналиш томонига кўра гуруҳланади. ЮАБнинг ўз транспорт воситаси бўлмайди. Майда юкларни йиғиб келтириш ва эгаларига топшириш, шунингдек, шаҳарлараро юк ташиш ишларини бажариш учун ЮАБ буюртмасига мувофиқ автомобилларда ташиш ҳиссадорлик уюшмалари корхоналари транспорт воситалари берадилар.

ЮАБ ихтиёрида транспорт воситаси ишини назорат қилиб туриш ва унинг мунтазам ишлашини таъминлаш учун телефон, телетайп ёки радиоалоқа воситалари бўлиши керак.

ЮАБ - ҳўжалик ҳисобидаги ҳиссадорлик ташкилоти бўлиб, юк жўнатувчилар ва юкни тайинланган жойга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган барча ишлар учун тўла ҳисоб-китоб қилади.

ЮАБ ташкил этиш кўп юк кўтарадиган транспорт воситаларни қўллаш, ишнинг илғор шаклларини амалга оширган ҳолда улардан унумли фойдаланиш имконини беради.

Шаҳарлараро маршрутлардаги йўловчиларга хизмат қилиш учун автобус вокзаллари қурилади. Одатда автобус вокзаллари комплекс иншоотлар бўлиб, катта шаҳарларда қурилади. Унинг таркибига йўловчилар зали ва хизмат бинолари билан бирга вокзал биноси; йўловчиларни автобусга чиқариш ва тушириш перронлари, рейсга чиқадиған автобусларни тозалаш, ювиш ва техник хизмат кўрсатиш постлари киради. Автобус

вокзалининг бош плани шаҳар транспорти келадиган ва таксилар туриши учун мўлжалланган вокзал олди майдонини ўз ичига олади. Автобус вокзалининг ички ҳудуди билан вокзал олди майдони бир-бири билан шундай боғланган бўлиши керакки, йўловчилар перронга вокзал биноси орқали ҳам, бинога кирмасдан ҳам чиқа олсинлар.

Одатда автобус вокзали биносида чипта кассалари ва бошқа тур транспорт агентликлари бўлган йўловчилар зали, болалик йўловчилар учун хона, юк (багаж) сақлаш ва жўнатиш камераси, кафетерий, медицина жойи, почта ва шаҳарлараро телефон узели, хизмат хоналари (диспетчерлик, идора, алоқа узели, ҳайдовчиларнинг ҳордиқ чиқариш хонаси, вентилиацион камера) жойлашади. Автобус вокзаллар автоматик сигнализация воситалари, автобуслар ҳаракатини бошқариш учун радио-алоқа ҳамда телевизион қурилмалар билан жиҳозланади. Автобусларнинг келиши ва жўнаб кетиши ҳақида йўловчиларга радиоузеллар ёки сигнализация ёрдамида хабар қилинади.

Автовокзалларга автобусларни вилоят автомобилларда ташиш уюшмалари корхоналари шартномага биноан ҳамда белгиланган жадвалга кўра ажратадилар. Шахсий автобус эгалари ҳам шаҳарлараро йўловчилар ташиш тадбиркорлиги билан шуғулланишни истасалар автовокзаллар билан шартнома тузиб, белгиланган жадвал билан ишлашлари шарт.

Йўловчи автобус бекатлари (ПАБ) автомобил йўлларида, кичик шаҳар ва аҳоли яшайдиган жойларда қурилади ва автомобил йўллардаги иншоотлар комплексига киради. Йўловчи автобус бекатларининг асосий вазифаси - шаҳарлараро автобус алоқаси ўрнатиш, йўловчиларга ва барча йўловчиларга хизмат қилиш, йўловчилар биноси ва йўловчиларни автобусга чиқариш ва тушириш учун усти ёпиқ перрондан иборат бўлади.

Бино йўловчилар зали, касса, буфет, санитария хизмати ва буғ қозони ўрнатилган хонани ўз ичига олади. Туристлар кўп қатнайдиган йўлларда бинога қўшимча равишда меҳмонхона билан ресторан ҳам қурилади. [24]

Баъзан автовокзаллар ва йўловчи автобус бекатлари темир йўл вокзали билан бир жойда қурилади. Бу ҳол йўловчилар учун бир транспорт туридан иккинчисига ўтишда қулайлик туғдиради, майдон ва қурилиш харажатларини тежайди. Бундай ҳолда кутиш зали, кассалар зали, буфет, ошхона, болалик йўловчилар хонаси, багаж сақлаш камераси умумий бўлиши мумкин.

Автомобил транспорти ишини ташкил қилиш тизими ташиш ва бошқа ёрдамчи ишларни бажаришда барча бўлим ва бўлинма ишларини мувофиқлаштириб олиб боришдан иборатдир.

Ташиш ишларини аввало мавжуд режа ҳамда бошқаришни ташкил этиш ҳужжатлари талаблари асосида бажарилиши лозим. Бошқаришни ташкил этиш ҳужжатлари автомобил транспорти корхоналари ва миқозлар орасидаги ўзаро муносабатларни белгиловчи ҳужжатдир.

Бундай ҳужжатлар қаторига Ўзбекистон Республикаси автомобил транспорти қонуни ва унинг иловалари, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги", "Автомобил транспорти низоми", автобус ва шаҳарлараро юк автомобилларинг ҳаракат жадвали, шаҳарлараро юк ташишни ташкил қилиш тартиб ва қоидалари ва бошқалар киради.

Автомобил транспортидаги бошқариш тизими бошқа транспорт турларидагидан анча фарқ қилади. Йирик автомобил транспорти корхоналарини бошқариш учун Ўзбекистон Республикасида минтақавий (Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) автомобилларда ташиш ҳиссадорлик уюшмалари ташкил этилган. Тошкент шаҳар, вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон автомобилларда ташишни ташкил этувчи ҳиссадорлик уюшмалари транспорт корхоналари, илмий-текшириш ташкилотларини ҳам бошқариб туради. У шу турдаги транспортни бирлаштириш, юк ва йўловчиларни ташиш, транспорт корхоналарининг бутун ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш, ягона техник сиёсат, моддий-техника таъминоти, маблағ билан таъминлаш, меҳнат, иш ҳақи, ва бошқа ижтимоий масалалар билан шуғулланади.

Халқаро автомобилларда ташиш ишлари билан шуғулланувчи мустақил икки корхона бўлиб, унинг биринчиси "ВК ИНТРАНС" мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиб, ўз ишини Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги билан ҳамкорликда ишлайди, иккинчиси ЎРТА ОСИЁТРАНС ҳиссадорлик корхонаси бўлиб, ташқи савдо Вазирлиги тасарруфидadır. Республика миқёсидаги автотаъмир, автошинатаъмир саноати корхоналари "Ўзавтосаноат" ҳам мустақил бошқарув субъекти бўлиб Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги билан ҳамкорликда бошқарув ишларини олиб боради. Шаҳарлараро юк ташиш ишлари билан "Шаҳарларароавтотранс (Межавтотранс)" акциядорлик мустақил бошқарув субъекти Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги билан ҳамкорликда бошқарув ва ташиш ишларини олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди. Қарор автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини тартибга солиш, шунингдек ушбу хизматлар сифатини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Маълумки, автомототранспорт воситаларини сақлаш хизматлари деганда автомототранспорт воситаларини сақлаш жойларини автомототранспорт воситаларининг аниқ эгаларига бириктирган ёки бириктирмаган ҳолда автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш бўйича пуллик асосда кўрсатиладиган хизматлар тушунилади. Тасдиқланган автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги ушбу низомда юридик шахслар томонидан автомототранспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Фуқароларнинг автомобилотранспорт воситаларини сақлаш учун автомобилотранспорт воситалари эгаларига туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига мувофиқ берилган улар яшайдиган жойлар яқинидаги ер участкаларида уларнинг маблағлари ҳисобига қурилган якка тартибдаги гаражларга - иншоотларга;

- ташкилотларга берилган, автомобилотранспорт воситалари сақланганлиги учун тўлов ундирилмайдиган ер участкаларида жойлашган автомобилотранспорт воситаларини сақлаш жойларига;

- қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган автомобилотранспорт воситаларининг тўхташ жойларига тадбиқ этилмайди.

Автомобил тўхташ жойлари ҳудудларида қуйидагилар таъқиқланади:

– автомобил тўхташ жойларини қуриш бўйича лойиҳада назарда тутилмаган вақтинчалик ва капитал иншоотларни барпо этиш ва ўрнатиш;

- автомобилотранспорт воситасини таъмирлаш, ювиш, унга ёнилғи-мойлаш материаллари қуйиш, бунинг учун махсус ажратилган жойдан ташқари;

- двигатель ва агрегатлар учун очиқ ҳолдаги оловдан фойдаланиш;

- автомобилотранспорт воситасини соатига 5 км дан ортиқ тезликда бошқариш;

- тамаки чекиш, спиртли ичимликлар ичиш;

- ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш учун жойлар барпо этиш; автомобилотранспорт воситаларини чорпояларга, тагликларга ва шу кабиларга қўйиш. [21]

Автомобилотранспорт воситалари эгаларининг якка тартибдаги гаражлари бузиб ташланган тақдирда уларга автомобил воситаларини доимий сақлаш бўйича уй-жой мавзеларидаги бузиб ташланган якка тартибдаги гаражлар ўрнида ташкил этиладиган автомобил тўхташ жойида доимий равишда бепул бириктирилган жой берилади.

Автомобилотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим миқдори халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгаши томонидан белгиланади ва у чекланган ставкалардан

ортиқ бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлардан паст бўлиши мумкин эмас.

Автомобилтранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича фаолият билан бирга фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятнинг ушбу турлари бўйича алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда тегишли солиқлар тўлаши ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт.

Бугунги кунда автомобилсозлик саноатида 23 мингдан ортиқ юртдошимиз меҳнат қилмоқда. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси томонидан мамлакатимиздаги икки юздан зиёд корхона билан кооперация алоқалари йўлга қўйилган.

Шаҳар жойларида аҳоли сонининг ўсиши билан энг мос шахсий транспорт воситалари сегментида ҳам акс шаҳарнинг бутун инфратузилмани сезиларли ўсиши аниқ бўлади. Москва шаҳри мисолида оладиган бўлсак, энг гавжум шаҳар машинада 3,5 миллиондан ортиқ хусусий автомобил рўйхатга олинган ва уларнинг сони ҳар йили 250-300 мингдан ошиб боради. Хавфсизлик воситалари машиналар бўшлиқлар даражаси автомобиллар умумий сонининг камида 20 % ҳисобланади. [26]

2.2. Автомобил тўхташ жойларига жой танлаш. Енгил автомобилларнинг вақтинча сақлаш жойлари

Автомобиллар тўхтаб туриш жойи – замин, кўпинча у ишлатилиши мумкин, бинога туташ бўлган очиқ турган майдондир. Шу билан бир вақтда, сирт машиналар машинанинг бир неча даражаларида жойлашган алоҳида биноларда жойлашиши мумкин.

Автомобил тўхташ жойларининг ер остида жойлашган турларида машиналар тўғридан-тўғри бино остида жойлаштиришни ўз ичига олади. Бу парк турар бир ёки бир неча даражалари эга бўлиши мумкин. Ушбу автомобил тўхташ жойларида нишаблик бўлмайди. Ер ости автомобил

тўхташ жойларида автомобиллар соат, кун ёки ойлаб қоладиган ва сақласа бўладиган мажмуадир.

Европа мамлакатларида, ўрганиш даражаси нисбатан қийин бўлган ҳудудларда машиналарга ҳайдовчилар автомобил тўхташ жойларида жой



топиш учун тарихий марказларга кириш кўпинча норезидентлар учун ёпиқ, кўп қаватли машиналар (ер ости ва ер усти) катта сонли аэропортлар, поезд станциялари ва марказларда кираверишда пуллик хизматлар жамланган.

2.1.-расм. Швециянинг Оппсала шаҳри ер ости автомобил сақлаш жойи

Автомобил тўхташ жойларида жой қидиришнинг иккита қийинчиликлари мавжуд бўлиб, биринчиси технологик, иккинчи-молиявий. Европа мамлакатларидан Россия давлатининг Москва шаҳри мисолида оладиган бўлсак, жуда нотекис замин бўлганлиги сабабли автомобил тўхташ жойлари ва гаражлар қуриш учун қийин, хавфли ва узоқ меҳнат талаб қиладиган ҳудуддир. Аммо бундай лойиҳаларни амалга оширишда келажакда ҳар бир уй учун алоҳида машиналар сақлаш жойларини режалаштириш лойиҳаси бор ва бу борада ишлар кўлами шакллантирилган.

Автомобиллар тўхтаб туриш жойи тузилиши - бир неча чиқувчи йўлакларга эга бўлиб, улар учун таркибий қурилиш машиналар хизмат қилади. Бир машина сақланиши учун 75 квадрат метр жой билан таъминланиши лозим. Бироқ, бунда чекловлар белгиланган бўлиб, унда паст биноларнинг тоmidан ҳам жой ажратиш мумкин.

Унда янги мижозларни, визиторларни жалб қилиш учун доимий ва аста-секин юрадиган кўтарувчи нарвонларини ва машина юқорига юриши керак. Бундан ташқари, томида автомобил тўхташ жойларини қуришда

транспорт оғирлигини ҳисобга олган ҳолда қурилиш ишларини ҳисобга олиш лозим. Бундай ҳолатларда эса биноларда устунлар оралиғини камайтириш керак; қор ёққанда қорларни олиб ташлаш керакли чоралари қўрилиши, мажмуанинг барча даражадаги ердан юқорига чиқиш рампарлари ва махсус жиҳозлар билан жиҳозланиши лозим.

Автомобиллар тўхтаб туриш жойларида автомобиллар ҳаракат ва сақлаш механик қурилмалар ёрдамида амалга оширилади. Транспорт эгаси қайтиб машинасини қабул қилиб олгунга қадар бўш рампарларда унинг ҳаракатланиши учун махсус механизмлар орқали амалга оширилади. Автомобил тўхтаб жойларида транспорт эгаларига сақлаш мақсадида, транспорт эгасига, яъни мижозга магнит карта берилади ва у автомобилни олиб чиқиб кетишгача ундан фойдаланади. Мутахассислар томонидан бу усулдаги талабни сақлаш учун энг қулай йўл деб ҳисобланади.



2.2.-расм. БААда қурилиши лойиҳаланаётган автомобил сақлаш жойи. *Hadid Miami garage*

Guest машиналари — меҳмонларнинг, ташриф буюрувчиларнинг шахсий машиналари ҳовли комплексида, офис ёки идорага яқин ҳудудларда меҳмонлар автомобилларини жойлаштириш учун, халқ парклари ташкил этилган. Қоида тариқасида, бу мақсад учун махсус ажратилган ерлар, бир чет ҳудудининг бир қисми ҳисобланади. [5]

Байк машиналари. Ҳар бир шахсий, хоҳловчи автомобил эгалари қисқа даврда автомобилларини ижарага қўйиш имконини таъминловчи, транспорт муаммоларини ҳал қилиш йўлидаги машиналар учун гаражлар қурилиши - транспорт муаммосини ҳал қилиш учун бир йўл ҳисобланади.

Тажриба-операцион автомобил тўхташ жойлари - бу парк ҳамма машиналарнинг тахминан 50 %, қўшни туманларда яшовчи фуқаролар учун ҳимояланган ва фақат қолган 50 %и эса фақат иш куни давомида машиналар учун эҳтиёжи бор фуқароларнинг транспортлари учун ишлатилади. Нормал иш соатлари пайтида биринчи 50 % фақат ярим машиналар шу ҳудудда яшовчиларнинг иккинчи ярмидан бошлаб машиналар кўп бўлиб, ҳар доим ҳам ҳамма жойда ўз автомобилларидан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, яъни баъзан қисқа саёҳатлар қилиш учун улардан фойдаланиш мумкин.

"Транспорт Миссион" компаниясининг немис фирмаси "Нуссбаум" қарори билан 6-14 қаватлар ва 10x10 м таянч регистри автомобил тўхташ жойи қурилиши якунланиб, фойдаланиш учун қарор қабул қилди. Узоқ ўрганишлардан сўнг дизайнлаштирилган бу гараж танланган эди. Бу ҳол, аҳолиси зич жойлашган шаҳарлар учун оптимал ечим ҳисобланади. Бундан ташқари, бундай бинолар жуда катта ва 34-54 машиналар учун хизмат қилиши мумкин.



*2.3.-расм. Steel-framed, multi-storey car park, Reading
(Image courtesy of Bourne Construction Engineering Ltd.)*

«Останкино» компанияси учун гараж қурилишининг биринчи версияси ерда ва етти қаватли қилиб қурилган бўлиб, бу "Биринчи канал" ходимларининг деярли барчасининг автомобиллари сақланарди. Бу жой тасодифан танланмаган қурилиш бўлиб, юқори даражада "Останкино" компанияси ходимларининг автомобиллари сақланаётганлигининг сабаби бепул машиналар турар жойидан фойдаланишлари мумкин.

Расман, бу турдаги қурилиш ҳужжатларига кўра, тўхтаб туриш жойларини қуриш учун энг камида 30-35 кун ва ортиқ ва минимал ҳисобдан паст бўлмасдан бунёд бўлмаслиги керак.

Автомобилларни қўйиш жойининг қурилиш ери аукционда сотилиши мумкин эмас, чунки ажратилган ер сотиб олиниши билан боғлиқ. Тўхтаб туриш жойлари нархини камайтириш ва шунинг учун кейинчалик ва соҳаларда уларда ернинг бериш боғлиқ бўлади.

Турли даражали машиналар жойи. Автомобилларни қўйиш жойининг ташкилоти, у юридик ва техник омилларни ўз ичига олади, мураккаб, кенг камровли ва жуда муҳим жараён ҳисобланади. Автомобиллар тўхтаб туриш жойи ваколатли лойиҳа қурилиш лойиҳаси давомий муваффақиятлар белгилайди.

Ҳисобга олинган ўзига хос ишлашини ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эса, шунингдек, минтақа ва рентабеллик, 100 квадрат метр машиналар жойи бўш жой сонидан ҳисобланади. Ишлаши ҳақида кўрсаткич бўлиб машиналар жойи - бу максимал сиғим ҳисобланади. Бунда биринчи ўринга кўп босқичли автомобилларнинг қурилиши келади. Автоматлаштирилган машиналар жойи кичик бир майдонда автомобилларнинг янада кўпроқ сонини ошириш имконини берувчи машиналар жойи ҳал этиш учун ғоят самарали йўлдир ва иқтисодиёт машиналар жойини режалаштириш учун молиявий ва вақт харажатлари ҳисобланади.

Автомобилларни қўйиш жойининг қурилиши - жиддий инвестицион лойиҳадир. Автомобилларни қўйиш жойининг ташкилоти бундай ҳужжатлар ва уйларда сони зарур ҳужжатлар тайёрлашга жиддий эътибор

қаратиш лозим. Зарур инвестициялар билан машиналар тизими кўпинча уйда нисбатан тезроқ вақт ичида тўлиқ қоплайди.

Ер ости машиналар жойи. Автомобилларни қўйиш жойининг қурилиши янада у ҳар қандай харид қилиш маркази инфратузилмасини зарурий элементиدير, мулкни, бир синф белгилайди. Бу бинолар, бу турдаги учун ер ости парки қурилиш бугун жуда муҳим. Тавсия этилаётган бозор кўрсаткичларига мувофиқ, машиналар қуввати 100 квадрат метр умумий савдо майдонда 8,4 тўхтаб бўшлиқлар нисбати йўналтириш томонидан белгиланади. Автомобиллар тўхтаб туриш жойи инфратузилмаси ва профессионал омборхона комплексида муҳим рол ўйнайди. Бир автопарк қурилиш шартлари амалга ва меҳмонхона хусусиятларига боғлиқ ҳолда лойиҳаланади.

Кўп даражали машиналар сақлаш жойлари - кичик майдонда катта автомобиллар сонининг автомобилларни сақлаш муаммосини ҳал қилишнинг энг самарали йўлидир. Автомобилларни қўйиш жойининг қурилиши турли жабҳада, кенг қоида, машиналар учун қулай приставкалар, шунингдек, чиқиш шамоллатиш тизими мавжудлиги, ўт ўчириш, видео кузатув билан мустаҳкам, асосий бинолар қурилишини ўз ичига олади.

Ушбу лойиҳа кўп босқичли тўхтаб туриш зали ва фойе, ва нодавлат тирбанд, ер усти ва ер ости турларини ўз ичига олади. Шу билан бир вақтда сезиларли фарқлар ҳам мавжуд. Ер ости парки қурилиши ерга фарқли ўлароқ, иситиш тизимини тақозо этади. Дизайн босқичи ёнғин ўчириш тизимлари, ёнғин, сигнал тизимлари учун барча талабларга жавоб бериши керак, шунинг учун шаҳобча, юқори сифатга бўйсунди. Эшик машиналар олов манбасини локализация қилиш имконини берадиган ўчириш кукун тури алоҳида модул билан жиҳозланган.

Бу таклиф қуйидаги сабабларга кўра, биринчи навбатда, қизиқарли ҳисобланади:

- Айниқса, шаҳар марказида машиналар жойи қуриш учун жойлар ажратиш билан боғлиқ муаммо;
- Солиқлар: ҳарорат доимий равишда (5-7 C⁰) да сақланади, иситиш харажатларининг йўқлиги, машиналар жойида техник хизмат кўрсатиш учун қурилиш ва вақт камайтириш (уч ой калит) ва операцион харажатлар;

Ҳайдовчига фақат лифт ичига машина қўйиш ва оператордан магнит карта бериш талаб қилинади.

Шаҳар учун инновацион лойиҳалар ажратмаси ёки бошқа куни машиналар бизнесни ривожлантириш учун тайёр инвесторлар ва компаниялар учун жозибадор бўлиши мумкин. [25], [26]

Нафақат янги биноларда, балки ҳар доим автомобил тўхташ жойига зарурияти пайдо бўладиган автомобил эгалари учун жой берилади. Шундай қилиб, бир машиналар майдони ҳатто уй ёнида ва кўп ҳолларда, уйдан бир неча блок ва 15 дан 25 дақиқа юриб, ўз шахсий автомобилнингизга етиб боришингиз мумкин. Сизнинг машиналар сақлаш жойларига эҳтиёжингиз бўлса, ёки бирор яқин жойда машина учун яхши жой танлаган бўлсангиз, ва сифат даражаси сизга маъқул бўлса, аммо нарх, мос эмас, деб ўйласангиз автомобилларни сақлаш талаблари бўйича сақлаш жойи учун назорат қиймат мавжуд бўлади.

Бу ерда сақланадиган машиналар жойи учун талаблар:

- хавфсизлик, хавфсизлик ходими, эҳтиёткорлик, нормал ёритиш;
- алоҳида транспорт воситаси кириш ва чиқиш қисмида жойлашган бўлса, қочириш ноқулайликларни олиб келиши керак эмас;
- автомобилларни сақлаш учун машиналар соҳалари бўйича сақланаши;

Машиналар сақлаш жойлари ер ости бўлса, унинг бир неча бошқа талаблари бўлади:

- мавжудлик тизимлари: гидроизоляция, шамоллатиш ва газ назорат, ўт ўчириш ва тутун ташлаш, алоқа;

- ҳар бир тўхташ майдони тўғри ҳолатда машинани сақлаб беради, микроклим (иссиқ ва қуруқ) амалга оширилиши лозим;
- замонавий автомобил паркларини қуриш учун қишда айниқса ташқаридан келган совуқ ҳаво оқимидан “бўш” эркин фойдаланиш учун тегишли ҳаво пардалари бор;
- ер ости автомобилларини қўйиш учун автомобиллар потенциал бахтсиз ҳодисалардан ўз эгаларига ҳимоя қилиш мақсадида бир мукамал шарҳ бўлиши керак;
- мажбурий етарли шифт баландлиги ва киришдаги, чиқишдаги қурилиш кенглиги аниқ транспорт воситасининг учун қулай сафарларини таъминлаш имкониятини беради.

Машиналар сотиб олиш ва шахсий мулкига уни аломатлар учун, сиз рўйхатга олиш органлари бор машиналар оралиқ рўйхатдан ўтишингиз керак. Рўйхат умумий асосда (шунингдек хусусий мулкнинг ҳар қандай бошқа турдаги) бўлади. Лекин у ҳам сизнинг соҳасида рўйхатга органлари қараб, ўз сабаблари бор. Рўйхатга олишнинг иккита сабаблари бор.

Соддалаштирилган версия - унинг турар жойларда ҳамроҳлик бир турар-жой таъсис қилувчи квартиралик рўйхатга олиш ва тўхташ майдони. Мураккаб версияси - уй-жой ва хусусий машиналар жойи сифатида индивидуал хонадонлар рўйхатга олиш, турар жой бўлмаган бинолар каби.

Рўйхатга олишда қийинчилик унинг мўлжалланган мақсадлари муассасаларига мос бошқа ҳолатларда бўлиб ўтиши керак бўлади. Агар машиналар сотиб олишингиз мумкин бўлса, сиз учун рўйхатга олиш, бир машиналар майдон учун тўлиқ микдорда қўйиш имконига эга бўлмаган киши учун мураккаб бўлмайди, нархи тез орада реал қийматига яқин бўлади.

Қонун нуқтаи назаридан автопаркка машиналар учун жойлар ҳуқуқий соҳада машиналар тушунчасини ҳисобга олиб, стандарт машиналар жойи таркибида жойлашган туркум одатий гараж бокслар энди тегишли бўлган ва фақат жуда кўп автомобиллар кўп савияда

машиналарни сақлаш учун фойдаланиш мумкин бўлган майдон талаб қилинади. Шундай гараж қутиларининг ўрнига, (қатъий унинг ҳажми чекланган) машина учун янги топилган майдони, деб аталган ва бундан кейин «тўхтаб туриш жойлари» деб аталади келади.

Йўл босиб ўтган автомобиллар ер ва (ёки) унинг асфалтда тўғри жойлашган тўхтаб туриш жойлари машиналар ҳақидаги қарорига кўра, белгилаб фақат очик жойлар бўлган тўхтаб туриш жойлари, деб ҳисобланади. Бинобарин, кўпроқ тўхтагунича кўп босқичли тўхтаб туриш жойлари қурилишини кўмилган ва ер ости машиналар, шунингдек «тўхташ жойлари» тушунчасини легаллаштириш талаб этилади.

Узоқ муддатли "тўхтаб туриш жойлари" қонунийлаштирилган бўлиб, қонунчилик у капитал ва бошқа йирик шаҳарлар автосақлаш жойларига бўлган талаб тўхтаб туриш жойлари қуриш учун йўналтирувчи кучга эга бўлади. Бу тафовут, ҳатто муваффақиятларга эришилган давлатлар, бундан ташқари, моторли машиналарда йиллик ўсиши ҳисобида пайдо бўлади. Ҳар йили транспортлар сонининг ошиши натижасида сақлаш жойларига бўлган талаблар транспорт учун макон тақчиллиги ортиб бораётганлигини, бир бутун сифатида автомобил эгалари оммавий йўқотиш ва қутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Автоматик тизимда ишловчи автомобил тўхташ жойларида ҳайдовчи транспорт воситаларини киргизишда тўлиқ маълумот эга бўлади, дарвоза олдида тўхтади. У бир тугмани босади ва ойнада код билан махсус чипта пайдо бўлади. Чипта олиш давомида дарвоза очилади ва автомобиллар ичкарига йўналади, дарҳол дарвоза ёпилади.

Машина автопаркка бир мунча вақт қолгандан кейин чиқиш учун чипта ёки кассага (тизим конфигурациясига қараб) чиқиб, ҳайдовчига таблода тўлаш шарт бўлган сумма миқдори кўрсатилади. Сканердан чиптанинг штрих чизиғи ўтказилади. Зарур миқдорда тўланиши лозим бўлган сумма тўлангандан сўнг дарвоза очилади.

Нақд реестрга тўсиқнинг очилиши орқали кассир ҳайдовчи билан шартнома тузади. Бундан ташқари, бир машина киришида ҳисоблагич билет олиш имконсиз эканлигини таъкидлаш лозим.

Тизим, турли қувватга ва интенсивлиги автоматик машиналар учун ишлатилади. Сизнинг эҳтиёжларингизни ва вазифаларингизни бажарадиган тизимни модернизация қилиш мумкин. Тизимда машиналар учун тўлов ўрнатилган тариф, ставкалар ва турли шаклларда амалга оширилади.

Ускуналар таркибига фронт, кириш, чиқиш, стенд, қалин тўсиқлар, индукцион автоматик автомобиллар, китобхонлар, дастурий таъминот, автоматик машиналар учун видео идентификация тизими киради.

Енгил автомобилларнинг доимий сақлаш жойлари. Турар жойлардаги (микрорайонларда, турар жой мажмуаларида, мавзеларда ва бошқаларда) гаражлар ва автотурар жойлар автоўринларининг тахминий ҳисобий сони олдиндан ҳисоблаб чиқилади.

Шахсий гаражлар ва автомобилларни сақлаш жойларини аксарият маҳаллий ҳаракатланиш, кўчалар ва ўтиш жойлари яқинида жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Гараж ва автомобилларни сақлаш жойларига тегишли участкаларни турар жой ва жамоат биноларидан кенглиги 10—15 м бўлган ҳимоя кўкаламзорлари (дарахтлар, буталар) билан ажратиш керак.

Кўп қаватли турар жой бинолари мавжуд бўлган туманларда қуйидагилардан фойдаланишга рухсат этилади:

- бокс ёки манеж типигаги бир қаватли гаражлар (аксарият ногиронлар ёки махсус исботлаш мавжуд бўлганда);
- кўп қаватли, алоҳида жойлаштирилган рампали манеж типигаги гаражлар;
- ярим ер ости ёки ер ости, алоҳида жойлаштирилган бир ёки кўп қаватли гаражлар, шу жумладан, нотекс рельефларда жойлаштирилган;

- маъмурий, жамоат ва бошқа муассасалар мажмуаларидаги бинолар ичида ёки ёнида жойлаштирилган ечимга эга ер устида ёки ер остидаги гараж ва автотурар жойлар.

Микротуманлар ва турар жой ҳудудларида, биринчи навбатда, аксарият очик автомобилларни сақлаш жойларини лойиҳалаш мақсадга мувофиқ бўлиб, кейинчалик улар жойлашган ерда кўп ярусли гаражлар барпо этилиши мумкин. Бундай автомобиллар доимий сақланадиган очик автотураржойларининг (майдонларининг) сигими 25 дан 100 авто ўрингача, йирик шаҳарларда эса 300 авто ўрингача қабул қилиш мумкин. Бизнинг марказда автомобилларни сақлаш жойлари куёшдан ҳимояловчи деворлар, декоратив, куёшдан ва шовқиндан ҳимояловчи кўкаламзор билан жиҳозланиши таклиф этилади.

Шахсий гаражларнинг асосий ҳисобий типи ўлароқ, манеж типдаги баландлиги 4—5 қаватгача бўлган, 100 дан 300 автоўрингача сигимли кўп қаватли гаражлар қурилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, уларнинг биринчи қавати қисман ер остида ёки бир-икки қавати ер устида бўлган, 100 дан 300 автоўрингача сигимли кўп қаватли гаражлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлиб, уларнинг биринчи қавати қисман ер остида ёки бир-икки қавати ер устида бўлиши қабул қилинади. [28]

Ер ости гаражлари, савдо-сотик бинолари учун ҚМҚда ишлаб чиқилган ва 25, 50, 75, 100 ўринга мўлжалланган намунавий лойиҳалардагидек, бир машина учун мўлжалланган ҳажм 80—90 м³ ни ташкил этади.

Ер ости гаражларини лойиҳалаш шартлари қуйидагича:

- гаражнинг бир секциясида сигимнинг 100 автомобил билан чегараланиши (ёнмайдиган деворлар билан ўралган);

- автомобилларни сақлаш учун мўлжалланган хоналарни бошқа барча хоналардан ёпиқ деворлар (ёнмайдиган) ва ёпилмалар билан ажратиш ҳамда бошқа хоналарда эвакуация қилиш йўллари бўлиб, қоидага кўра функционал ва бадиий-эстетик талабларнинг икки гуруҳини қониқтириши лозим;

- кўча йўл ва транспорт тармоғи билан функционал бир бутунликни ташкил этиши керак.

**Турли мақсадлардаги объектлар яқинидаги автомобилларни
вақтинча сақлаш жойларининг сони**

7-жадвал

Оммавий ташриф буюриладиган бино ва иншоотлар	Ҳисобий бирлик (қиймат)	Ҳисобий бирлик учун машина ўрни сони	
		Биринчи навбатда	Маълум бир муддатда
Илмий-техник ва таълим марказлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари	100 нафар ишловчига	3-5	10-20
Олий ўқув юртлари, университетлар	100 ўқитувчи ва ходимларга	3-5	10-15
Маъмурий-хўжалик муассасалари	100 нафар ишловчига	3-5	10-20
Умумий овқатланиш муассасалари: ресторан ва кафелар (олий табақадаги)	100 ўринга	3-5	10-20
Бошқа умумий овқатланиш муассасалари	100 ўрин учун	3-5	7-10
Маданий-оқартув муассасалари: театр, кинотеатр	100 ўринга	3-5	10-15
Бошқа маданий-маърифий муассасалар	Ўринлар сонига	2-4	7-10
Маиший хизмат ва савдо корхоналари	Савдо майдони 100 м ² бўлганда	2-4	7-10
Бозорлар	50 савдо ўринга	5-10	20-25
Меҳмонхоналар	100 ўринга	3-5	10-20
Поликникалар	Бир сменада 500 ташриф буюрув- чига	3-5	10-15
Трибунали 500 ўрин ва ундан ортиқ сиғимли спорт бино ва иншоотлари	Ўринлар сонига	1-2	3-5
Мотеллар ва кемпинглар	Ҳисобий сиғимига кўра	-	-
Темирйўл ва автобус вокзаллари, аэропортлар	Энг тиғиз вақтда ҳар 100 йўловчига	3-5	10-15

Жамоат савдо-сотиқ ва бошқа кенг жамоатчилик ташриф буюрадиган мажмуаларда автомобилларни вақтинча сақлаш муаммоси алоҳида эътибор касб этади. Шаҳарнинг марказий қисмида жойлашадиган барча автомобил сақлаш жойларининг умумий сифимини аниқлашда лойиҳалашни бошлаш вақтида рўйхатга олинган енгил автомобилларнинг 10-15% ни ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.



2.4.-расм. Тошкент шаҳрида Универсам бозори олдида жойлашган автоўхташ жойи

Автомобил сақлаш жойлари транзит ҳаракатланиш қисмларидан ажратилган ҳолда ҳар қандай автомобилнинг (чиқиши ва киришида) тўсиқсиз ҳаракатланиш имконини берадиган ички ўтиш жойлари мавжуд бўлишини назарда тутиш лозим.

Мавжуд ёки қурилаётган иморатларда ёндош ва мужассамлашган гаражлар ва автомобил сақлаш жойлари қўланилиши мумкин. Бунда ер ости, ярим ерости гаражлар билан бир қаторда турли бошқа вариантларда ҳам лойиҳалаштирилиши мумкин.

Тарихий аҳамиятга молик иморатлар мавжуд бўлган шаҳарларда аксарият автомобил сақлаш жойлари кўчалар, хиёбонлар майдонларнинг остида жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Йирик ер ости автомобил сақлаш жойларини лойиҳалашда уларга хизмат кўрсатувчи оммавий ташриф буюриладиган биноларга қулай ўтиш жойлари кўзда тутилиши зарур.

Енгил автомобиллар қуйидаги кўрсаткичлари ёки параметрлари бўйича ҳам тасниф қилинади: цилиндрлар иш ҳажми ёки литраж бўйича; кузов тури бўйича.

Литраж бўйича енгил автомобиллар 4 гуруҳга бўлинади: энг кичик литражли (0,75 л); кичик литражли (1,5 л гача); ўрта литражли (3,0 л гача); катта литражли (3,0 л дан ортиқ).

Кузовлар тури бўйича енгил автомобиллар ёпик кузовли (седан); очик кузовли (фаетон), усти очиладиган кузовли (кабриолет) автомобилларга бўлинади. Фуқаролар фойдаланишга ҳисобланган автомобиллар кейинги йилларда ёпик кузовли қилиб ясалмоқда.

2.3. Йирик гаражлар ва автомобил тўхташ жойларини асбоб-ускуналар билан таъминлаш

Автотранспорт воситалари техник ҳолатининг ўзгариши уларнинг қандай сақланишига ҳам боғлиқдир. Автотранспорт воситаларини сақлаш, уларнинг сақланиш муддатига қараб қисқа ва узоқ сақлаш (консервация)га ажратилади.

Автосервис корхоналари ва сервис марказларида эса автотранспорт воситалари сервис ёки таъмирлашни кутиш вақтида ва тузатилгандан кейин мижоз уни олиб кетгунча сақланади.

Узоқ муддатли сақлаш, асосан, мудофаа ва ички ишлар вазирлиги автотранспорт воситалари учун қўлланилади.

Сақлаш пайтида автотранспорт воситаларининг техник ҳолати ёмонлашмаслиги, ишгача тўлиқ (бутун) сақланиши, ёнғин чиқиш хавфидан холи бўлиши ҳамда сақлаш жойларига кириши ва чиқиши қулай бўлиши зарур.

Автомобилларни сақлашни ташкил этишда қуйидаги жойлар қўлланилади:

- автомобил сақлаш жойи – автомобилни сақлаш (тўхтаб туриш) учун мўлжалланган бино, иншоот (бино, иншоотнинг бир қисми) ёки махсус очик майдонча;
- ёпик турдаги ер усти автомобил сақлаш жойи – ёпик иншоот ичидаги автомобиллар турар жойи;

- очик турдаги сақлаш жойи – ташқи тўсиқлари бўлмаган автомобил турар жойи. Икки томони очик бўлган иншоотлар ҳам, агар томонларнинг очик жойи 50% кам бўлмаса, ушбу турга қўшилади.



2.5.-расм. Механизациялашган автопарковка:

1 – қўтаргич; 2 – машиналар учун боксли шахталар

Автомобиллар кўп қаватли биноларида сақланганда, бинолар қаватлари бўйича ҳаракатланиш усулига қараб рампали ва механизациялашган турларга бўлинади. Амалда рампали сақлаш бинолари кенг тарқалган.

- рампали сақлаш жойлари – кўп қаватли бинолар бўлиб, унинг қаватларига автомобиллар ўз ҳаракати билан кўтарилиш (тушиш) имкониятини яратувчи доимий кўтариладиган (тушадиган) рампа (йўлак)лардан фойдаланиладиган сақлаш жойлари;
- механизациялашган автомобил сақлаш жойи – автомобилни турар жойларига (ячейка)га жойлаштириш махсус механик қурилмалар ёрдамида(ҳайдовчи иштирокисиз) амалга ошириладиган турар жой.

Автомобил сақлаш жойи ер ости ва ер усти қаватлардан ташкил топган, бошқа биноларга ёндошган ёки ёнига қурилган, ер сатҳидан паст ёки баланд, шу жумладан, биноларнинг тагида, ер остида, ертўла, цокол ёки пастки ер усти қаватларида бўлиши ҳамда махсус жиҳозланган ер сатҳидаги очик майдончаларда жойлашиши мумкин. Ер ости автомобил сақлаш жойини кўча, майдон, сайлгоҳ ҳудуди тагига ҳам қуриш рухсат этилади.

Сиқилган табиий газ ва суюлтирилган нефт газларида ишловчи двигателли автомобиллар учун сақлаш жойини бошқа биноларга улаш

ҳамда ер сатҳидан пастга жойлаштиришга рухсат этилмайди. Ер усти автомобил сақлаш жойлари 9 қаватдан ва ер остилари эса пастки 5 қаватдан ошмаслиги лозим.

Сақлаш жойларида навбатчи ва хизматчи ходимлар учун хоналар, ғазна, назорат жойлари, нозимхона, муҳандислик жиҳозлари, хожатхона, миҷозлар қўл юки учун омборлар, телефон ва лифт мўлжалланиши мумкин. Йўловчи лифтига ногиронлик аравачаси кира олиши талаб қилинади. [34]

Механизациялашган автомобил сақлаш жойи 50 машина – ўриндан кўп бўлмаган блокларга бўлиниши ва иморат баландлиги 28 метрдан ошмаслиги (ҚМҚ 21-01-сонли қурилиш меъёрлари ва қоидалари) белгиланган.

Автомобилларни сақлаш учун мўлжалланган бинолар бир ва кўп қаватли бўлиши мумкин. Бир қаватли бинолар содда ва кам харажатли бўлганлиги учун кенг тарқалган.

Бир қаватли ёпиқ сақлаш биноси. Автомобиллар ер ости бинолари (ертўла)да сақланганда ёнғиннинг олдини олиш ва озодалик талабларига амал қилинган бўлиши лозим.

Кўп қаватли сақлаш жойлари, асосан, енгил автомобиллар учун қўлланилади суюқ ёнилғи (бензин ва дизел ёнилғиси)да ишлайдиган енгил автомобилларни сақлаш учун мўлжалланган 5 қаватли бино келтирилган. Унинг таркибида 5 қаватли 285 машина-ўринли сақлаш жойи, бинога кириш ва чиқиш қоровулхоналари, автомобилнинг ўзи ҳаракатланадиган, сақлаш жойидан ажратилган иккита бир йўлли рампа, техник хоналар, иситиш тизими ҳамда бинога бириктирилган, майдони 90 м² бўлган, автомобил эҳтиёт қисмлари магазини мавжуд. Автомобилларнинг кириб – чиқиши иккита автомат равишда очиладиган дарвоза орқали амалга оширилади. Сақлаш жойи куну-тун, дам олишсиз ишлайди.

Рампалар конструкциясига қараб тўғри чизиқли, ярим айланали, айланали турларга бўлинади. Рампаларда ҳаракат бир ёки икки томонлама

бўлиши мумкин. Бинонинг катталиги, қаватларнинг кўплигига қараб рампалар тизими содда ёки мураккаб бўлиши мумкин. Рампалар бино ичига ёки ташқарисига ўрнатилиши мумкин. Рампа бино ташқарисига жойлаштирилса, унга ёғингарчилик тушмаслиги чораси кўрилади.

Цилиндр шаклидаги сақлаш жойи кичкина майдондан самарали фойдаланиш имкониятини беради. Транспорт лифти айлана марказида ҳаракатланади ва ҳар бир қаватда 6-12 машина-ўрин жойлаштирилади. Башня тизимида ҳар бир қаватда 6 тадан автомобил жойлаштирилади ва қаватлар ер ости ва ер устида бўлиши мумкин.

Катта шаҳарларда кичик майдонлардан самарали фойдаланиш мақсадида механизациялаштирилган кўп қаватли очик сақлаш жойлари ҳам жорий этилмоқда. Бундай енгил конструкциялар мавжуд очик автомобил сақлаш жойларига ўрнатилса, унинг сигимини бир неча баробарга ошириб беради. Бу тизимлар анча арзон ҳамда уни доимий ва вақтинча вариантларда ҳам қўлласа бўлади.

Бундай комплекс механизациялаштириш усуллари автомобиллар орасидаги масофаларни ҳамда қаватлар баландлигини камайтириш ҳисобига бино майдони ва ҳажмини, яъни бир сақлаш жойига тўғри келадиган майдонни анчагина тежаш имконини беради. Лекин кўпгина мамлакатларда, шу жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам ҳозирга қадар аҳоли тасарруфидаги автомобиллар кўп қаватли уйлар мавзеларида темир гаражларда сақланиб келинган. Бу эса, ер майдонининг ортиқча сарфига, мавзе манзарасини бузилишига олиб келади. Кўп қаватли сақлаш жойларида очик ва ёпиқ вариантлар мужассамлашган бўлиши, масалан, икки ер ости қавати ва биринчи ер усти қаватлари – ёпиқ, ундан юқорилари эса очик бўлган сақлаш жойлари қурилиши мумкин. Бундан ташқари, сақлаш жойларининг томларидан фойдаланиш масалалари ҳам кўриб чиқилмоқда, яъни бу жойлар шу мавзеда яшовчиларникига бир неча кунга келган меҳмонлар учун ҳам мўлжалланган бўлади.

Енгил автомобил учун кенг тарқалган стандарт майдон 2,5 х 5,7 метр. Лекин шу қаторда 3 х 6 ёки 4 х 6 метрли майдон режалаштириш ҳам мумкин. Бу люкс майдон бўлиб, талабга биноан унинг атрофини енгил материаллар билан ўраб қўйиш, иситиш учун манба келтириш ва ҳоказо ишлар бажарилиши мумкин. Унда қисқа муддатли тўхташ жойи, қисқа муддатли сақлаш жойи, автобуслар сақлаш жойи, автомобиллар ижараси, такси автомобилларини сақлаш жойи мўлжалланган бўлиб, терминал биносига кириш икки поғонадаги йўлак билан амалга оширилади. Майдонлар юк аравачалари, турар жой ҳақини тўлаш учун автоматик ғазналар, ногиронларни тушириш жойи каби қулайликларга эга.

Доимий сақлаш жойлари, хусусан, уй-жой мавзеларидаги бузиб ташланган якка тартибдаги гаражлар ўрнида ташкил этилади. Низомда автотототранспорт воситалари эгаларининг якка тартибдаги гаражлари бузиб ташланган тақдирда уларга автомобил воситаларини доимий сақлаш бўйича уй-жой мавзеларидаги бузиб ташланган якка тартибдаги гаражлар ўрнида ташкил этиладиган автомобил тўхташ жойида доимий равишда бепул бириктирилган жой берилиши белгиланган.

Автотранспорт воситаларининг эгаларига доимий бириктирилган вақтинча сақлаш жойларида улар эгасининг уй манзили ва транспорт воситасининг давлат тартиб рақами ёзилган табличка ўрнатилган бўлиши керак.

Доимий сақлаш жойларидаги бўш ётган ёхуд вақтинчалик фойдаланилмаётган жойлар автотранспорт воситалари эгалари билан келишган ҳолда уларни вақтинча сақлаш учун берилиши мумкин.

Транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасига ва пластик карточкалардан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалига эга бўлишлари керак.



2.6.-расм. Назорат ва автоматик касса устунлари:

1 - ParkMaster PD1; 2 - ParkMaster PD Lite; 3 - V3000; 4 - V2000


Бундан ташқари, ҳудудда, шу жумладан 300 та ва ундан кўп турғун савдо шаҳобчаларига ва савдо ўринларига эга бўлган ёндош бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида автотототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш хизматлари кўрсатилган тақдирда автотранспорт воситаларининг кириб келиш ва чиқиб кетиш вақтини қайд қилиш функцияларини бажарадиган электрон ҳисоблагичлар мажбурий тартибда ўрнатилади.

Мижоз учун қулай бўлган кириб келиш жойида қуйидагилар осиб қўйилиши керак:

- автотототранспорт воситаларини сақлаш қоидалари;
- ёнғин хавфсизлиги талаблари;
- автотототранспорт воситаларини қабул қилиб олиш ва сақлаш учун масъул шахсларнинг вазифалари;
- кўрсатиладиган хизматлар учун амалдаги тарифлар;
- юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси.

Автотототранспорт воситаларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юри-дик шахслар санитария нор-малари ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилиши, автотототранспорт воситаларининг сақланиши, шу жумладан уларни доимий ва вақтинча сақлаш вақтида, яъни улар эгаларига (ёки уларнинг вакиллариغا) қайтарилгунгача ёхуд улар мажбурий равишда махсус автомобил тўхташ жойига эвакуация қилингунгача рўй берган

автомобил воситаларининг олиб қочиб кетилиши, ўғирланиши, қисмларга ажратилиши ва шикастланиши учун жавоб берадилар.



2.7.-расм. Айланувчи платформа: 1,2,3 – платформа RS-1 (умумий кўриниши, ён томондан кўриниши, юқоридан кўриниши); 4,5,6 – платформа RS-2 (умумий кўриниши, ён томондан кўриниши, юқоридан кўриниши)

Автомобил воситаларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахсга зарар етказилган тақдирда автомобил воситасининг эгаси (ёхуд унинг вакили) етказилган зарар учун жавоб беради.

ТХКСни такомиллаштириш ва лойиҳалаш топшириқларини аниқлашда керак бўладиган асосий факторлар қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш истикболлари;
- ишлаб чиқариш технологиясини ва ташкил этишни такомиллаштириш;
- маҳсулот сифатини, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, меҳнат шароитларини яхшилаш;

ТХКС лойиҳалашда ва такомиллаштиришда истикболли усуллардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш лозим бўлади.

Аҳоли сонига нисбатан шаҳардаги (ёки шаҳарнинг бир қисмидаги) автомобилларнинг сонини қўллаган ҳолда аниқлаш мумкин (ҚМҚ 2.07.01-94, «Шаҳарсозлик»).

Ҳар бир енгил автомобил учун қоидага кўра икки турдаги асосий сақлаш (жойлари) бўлиб, улар доимий (ҳаракатни бошланиш пункти) ва вақтинчалик (белгиланган манзилдаги пункт), яъни автомобилнинг турли манзилларда вақтинчалик туриши мумкин бўлган ҳамда алоҳида ҳолларда эса мавсумий турар жойлари мавжуд бўлиши керак.

Автомобилларнинг ва аҳолининг бошқа мототранспорт воситаларини доимий сақлаш жойлари, бевосита уларнинг эгалари (соҳиблари) яшайдиган жойлар яқинида, (пиёдалар келиши қулай бўлган жойларда), бош тархдаги гаражларда назарда тутилади. Автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойлари эса даврий ёки эпизодик ташриф буюрадиган объектлар яқинида (иш жойлари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, дам олиш зоналари), асосан, автомобилларни очик ҳолда сақлаш жойларида назарда тутилади.

Мавсумий сақлаш саноат ва коммунал хизмат — омбор зоналарида, йилнинг совуқ вақтида қўлланилмайдиган автомобиллар учун назарда тутилиши мумкин.

Ер сатҳига нисбатан асосий хоналарнинг жойлашишига кўра ер остида, ярим ер остида, шунингдек, комбинацияланган гараж ва автомобиллар турар жойлари маълум; ярим еростидаги иншоотларга асосий хоналарнинг поли ер сатҳидан камида 2 м чуқурликда жойлашади; гаражларда автомобилларни сақлаш жойларининг қаватлилиги турли мутаносибликда, яъни ер усти (ерда), ерости ва ярим ерости каби кўрнишларда бўлиши мумкин. Қаватлилигига кўра бир ва кўп қаватли гаражлар учрайди. 2 дан 5 қаватгача бўлган иншоотлар эса (юқори) кўп қаватли ҳисобланади. Автомобилларнинг қаватлар орасида бўйлама ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида кўп қаватли гаражлар рампали (рампалар бўйича автомобиллар қаватлараро ҳаракатланади), механизациялаштирилган автомобилларни бўйлама

ҳаракатланиши учун кўтарма мосламалар билан жиҳозланган ёки автомобил двигателини ишлатмаган ҳолда турли системадаги кўтариш механизмлари турлари маълум. Сақлаш жойларининг сонига кўра гаражлар кичик сиғимли (50 ўрингача) ва ўртача сиғимлик (50 дан 300 тагача) турларга ажратилади. Гараж ва автотурар жойларнинг ҳажмий-режавий ечимлари транспорт воситаларининг турлари, ҳаракатланиш шароити ва маневрини инобатга олган ҳолда аниқланади. Енгил автомобиллар учун ҳисобий сифатида кам литражли, ўлчамлари режада 1,70х410 см (энг кўп тарқалган аксарият шахсий автомобиллар) ва автомобил билан ён ёки бўйлама девор орасидаги

8-жадвал

Иншоотлар ва мосламалар	Ҳар 1000 аҳоли учун автоўринлар сони	
	Биринчи навбатда	Ҳисобий муддатга
Турли типдаги гаражлар	35-40 (10-15 хонадонга 1 ўрин)	100-120 (2-5 хонадонга 1 ўрин)
Домий сақлаш учун автотурар-жойлар, майдонлар	100-120 (20-30 хонадонга 1 ўрин)	20-50 (7-10 хонадонга 1 ўрин)
Шу жумладан, вақтинча сақлаш учун	10-15	20-30

масофа 50 см (кооперацияланган гаражларда 70 см гача) бўлган «эталон» тавсия этилади. Бу ўз навбатида «Тико», «Матиз», «Дамас», «Нексия», «Волга», «Жигули» русумли автомобиллар ўлчамларига мос тушади.

Кам литражли автомобилнинг энг кам ўлчамли турар жойи 220х460 см.ни, ўрта синфга мансуб турдаги «Волга» русумли енгил эса энг кам ўлчам 730х530 см.ни ташкил этади (маневр майдони ҳисобга олинмаган ҳолда). Турли типдаги енгил автомобилларга хизмат кўрсатиш назарда тутилган автотурар жойларида 250х500 см ли ўлчамларга рухсат этилади.

Гараж ва автотураржойларининг ички ўтиш жойлари қоидага кўра умумий кенглиги 4,5-6 м бўлган ҳаракатланиш йўли ҳисобидан келиб чиққан ҳолда лойиҳаланади. Бурилиш қисмларининг радиуси «эталон» автомобиллари учун 5,5 м га ўрта синфга мансуб енгил автомобиллар учун 6 м қабул қилинган. [20]

Ер устидаги ва ер остидаги рампа типдаги гаражларнинг қават баландлиги 2,2 мдан кам бўлмаслиги зарур. Автомобиллар бўйлама ҳаракатланадиган рампалар 10 % нишабликдан ошмаган ҳолда ташқи ва ички кўринишда лойиҳаланиши мумкин. Режадаги чизмасига кўра ички (16% дан ортиқ) ва ички эгри чизиқли (13% ортиқ бўлмаган нишабликдаги рампалар; баландлиги бўйича тўлиқ (ҳар бир қават учун) ва ярим рампалар; ҳаракатланиш йўллари сонига бир ёки икки йўлли рампалар қўлланилиши мумкин.

III БОБ. АВТОМОБИЛ ТЎХТАШ ЖОЙЛАРИ ВА ГАРАЖЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

3.1. Автомобил тизими тармоқларининг ривожланиш статистикаси

Транспорт аҳолининг маданий савиясини оширишда ҳам катта воситачилик ролини ўйнайди. Транспорт ёрдамида китоб ва кинофильмлар келтириш, музейларга бориш ва чет эл халқлари маданиятининг дурдона асарлари, жаҳон театр маданияти ва ҳоказолардан баҳраманд бўлиш мумкин. Бундан ташқари транспорт ёрдамида олимлар, ёзувчилар, рассом ва музикашунослар конференциялари, симпозиумлари, кўргазмалари, фестиваллари, йиғилишлари, фикр ва тажриба алмашишлари ўтказилади. Булар ҳаммаси кишилар билим ва маданий савиясининг ошиши учун катта омилдир.

Кейинги йилларда турли транспорт воситаларида Ватанимиз бўйлаб ва чет мамлакатларга туристик саёҳат қилиш меҳнаткашлар орасида кенг тарқалди. Халқаро савдо, туристик ва бошқа алоқаларининг янада ривожланиши, фан ва техника, маданият ва спорт соҳасидаги ўзаро муносабатларнинг янада раванқ топиши транспорт воситалари ва алоқа йўлларининг ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Аҳоли учун саноат ва озиқ-овқат молларини ўз вақтида ташиб бериш транспортнинг асосий вазифаларидан биридир.

Транспорт давлат мудофаа ишларида ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги замон транспортсиз мамлакатимиз мудофаасини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди, чунки транспорт қўшинларни ва уларнинг моддий-техника базасини ҳамда қурол-яроғини бир жойдан иккинчи жойга кўчирибгина қолмай, кўпчилик ҳарбий қурол-яроғларнинг узвий қисми ҳам бўлиб қолди.

Транспорт жуда кўп моддий ресурслар ва ёнилғини (металл, тошқўмир, нефт, ёғоч ва шунга ўхшаш маҳсулотларни) ҳамда мамлакатда ишлаб чиқариладиган энергетик қувватларни кўп истеъмол қилиш устинг айрим саноат ва транспорт турлари негизида Ўзбекистон автомобилсозлик,

самолётсозлик каби янгидан-янги тармоқлари вужудга келди ва улар йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ягона транспорт тизимида транспорт айрим турларининг 2000 йилда тутган ўрни ва уларнинг ривожланиш даражалари: автомобил транспорти юк ташиш ҳажми бўйича 93,6 фоиз, юк обороти бўйича 36,7 фоиз, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўловчилар ташиш ҳажми бўйича 98,6 фоиз, йўловчилар обороти бўйича 64,8 фоиз; темир йўл транспорти юк ташиш ҳажми бўйича 6,4 фоиз, юк обороти бўйича 63,3 фоиз, йўловчилар ташиш ҳажми бўйича 1,2 фоиз, йўловчилар обороти бўйича 29,8 фоиз; ҳаво транспорти йўловчилар ташиш ҳажми бўйича 0,2 фоиз, йўловчилар обороти бўйича 5,4 фоизни ташкил этди. Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сув транспортнинг деярли йўқлиги ва темир йўл транспорт тармоқлари кам (3655 минг км) бўлганлиги учун юк ва йўловчиларни ташишда автомобил транспортининг ҳиссаси каттадир. [6]

Транспорт корхоналари олдида мамлакат иқтисодиёти ва аҳолининг барча турдаги шахсий юкларни ташишга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш вазифаси юкланади. Бундай муҳим вазифани транспортнинг айрим турлари бўйича юк ташишни тўғри тақсимлаш, айрим транспорт турларини ягона транспорт тизимининг узвий қисми сифатида ривожлантириш орқалигина ҳал этиш мумкин. Бошқа транспорт турларини юқори даражада тараққий эттириш билан бирга автомобил ва темир йўл транспорти мамлакатимизнинг бундан буён ҳам асосий транспорт тармоғи бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам транспортнинг ана шу турини янада ривожлантиришга ва унинг бажарадиган ишини транспортнинг бошқа турлари билан мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор бериш керак бўлади.


Автомобил, темир йўл ва қувур юборгич транспортининг салмоғи кескин оша борган сари транспортнинг барча турларини ўзаро мувофиқ равишда ривожлантириш, транспорт тармоқлари тузилишига туб ўзгартиришлар киритиш талаб қилинади. Автомобил йўллари, қувур

орқали юборгичлар, аэропортлар, дарё портлари ва бошқа шу каби транспорт иншоотларини қуришни янада авж олдиришга эришмоқ зарур. Айрим турдаги қатнов йўлларини юк ва йўловчилар ташиш тавсифи билан тўла боғлиқ суратда ривожлантириш давр талабидир.

Ҳар бир транспорт тури ва бутун транспорт тизими олдига қуйидаги талаблар қўйилади:

- барча иқтисодиёт (халқ хўжалиги) тармоқлари ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг ҳамма турларига бўлган эҳтиёжни тўла қондириш;
- ташиш вақтларини қисқартириш, юк ва айниқса йўловчилар ташиш тезлигини ошириш;
- бутун йил давомида, кечаю кундуз, об-ҳаво инжиқликлари ва бошқа турли сабабларга қарамай, ташиш мунтазамлигини сақлаш;
- йўловчиларга имкони борича қулайликлар яратиш;
- ташиш жараёнида юкларни ҳар томонлама ва тўлиқ сақлаб боришни таъминлаш;
- ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқалар.

Ушбу талабларни комплекс равишда бажариш техник-иқтисодий жиҳатдан анча мараккабдир. Шунинг учун транспорт тармоғини такомиллаштиришни фундаментал ва барча амалий фанлардаги мавжуд техника, технология, иқтисодий, ташкилий ва бошқарув ишлари ютуқларини тадбиқ қилиш асосида олиб бориш зарур бўлади.



3.1.-расм. Тошкент шаҳри Чилонзор буюм бозори, Мустанг АЁҚШ олдида фаолият юритаётган очиқ автосақлаш жойи

Ўзбекистоннинг XX асрга қадар транспорт раvнақи ниҳоятда паст бўлган, транспорт тузилмасига кирган алоқа йўллари ҳам суcт жиҳозланган эди. Денгиз ва дарё транспортларидаги портлар санокли бўлиб, транспорт флоти (кемалари) кам қуввати бўлган.

Автомобил транспорти моддий-техника базаси таркибига автомобил йўллари ҳам киради. Транспорт воситасидан фойдаланиш самарадорлиги мавжуд йўлларга ва уларнинг ҳолатига бевосита боғлиқдир. Йўлларнинг қониқарсиз ҳолатда бўлиши транспорт воситаси тезлигини ва унинг иш унумини кескин пасайтиради ҳамда юк ва йўловчилар ташиш таннарни ошишига сабаб бўлади.

Автомобил йўллари йўллардан ташқари комплекс инженерлик қурилмаларидан ҳам иборат бўлиб, уларнинг ҳаммаси автомобилларнинг йил мобайнида, кечаю-кундуз, иқлим инжиқликларига қарамай, хавф-хатарсиз, зарур тезлик ва иқтисодий кўрсаткичлар билан мунтазам ҳаракатланишга мўлжалланган иншоотлардир.

Автомобил транспорти корхоналари - автомобил эксплуатацияси корхоналар, юк автомобили бекати, вокзал, йўловчи автомобил бекати,

сервис (техник) хизмат кўрсатиш бекатлари, гараж, меҳмонхоналар, автомобил ва шина таъмири заводлари ва бошқаларни ўз ичига олади.

Шахсий транспорт воситалари эгалари, яъни мулкдорлар ўз автомобиллари билан тадбиркорлик (ташиш) иши билан шуғуллансалар, улар кўпчилик бўлиб хиссадорлик ташиш корхоналарига бирлашиб ишлашлари тавсия этилади. [29]

Автоэксплуатацион корхоналар юк ва йўловчи ташиш учун белгиланган асосий корхоналардир. Кўпчилик автоэксплуатацион корхоналар транспорт воситасини сақлаш, ундан фойдаланиш, сервис (техник) хизмат кўрсатиш ва майда таъмирлаш ишлари билан шуғулланади.



*3.2.-расм. Тошкент шаҳри Чилонзор буюм бозори, Мустанг АЁҚШ олдида қурилаётган
5-қаватли автосақлаш жойи*

Транспорт воситаси махсус ускуналанган очик майдонларда, шунингдек, усти ёпиқ майдонларда сақланади. Автомобилларни очик майдонда сақланганда совуқ қиш кунларида двигателларни ишлатишни осонлаштирадиган махсус мосламалар (буғ, сув, газ ёки электр иситгичлар)ни, ускуналар ва автомобил деталлари ейилишига йўл қўймаслик учун тегишли мойлаш материалларини танлашга алоҳида аҳамият бериш зарур.

3.2. Автомобил тўхташ жойлари ва гаражларнинг иқтисодий самарадорлиги

Бугун қарийб ҳар бир хонадонда биттадан машина-улов бор, десак янглишмаган бўламиз. Ҳозирги тезкор даврда бу беминнат дастёрнинг ҳаётимиздаги ўрни кундан-кунга ортиб бормоқда. Машиналарнинг кўпайгани яхши. Бироқ айниқса, шаҳарларда яшайдиган шахсий автомобили бор аксарият кишиларни ўйлантирадиган масалалар ҳам мавжуд.

Шахсий автомобилларни сақлаш учун гараж олиш, кўпқаватли уй-жойлар атрофига машиналарни қўйиш борасида баъзи муаммолар юзага келмоқда. Тўғри, кўпқаватли уйларда яшайдиган аҳолининг анча-мунчаси ўз шахсий автомобилини сақлаш жойига гаражларга эга. Бироқ гаражи йўқлар ҳам оз эмас. Улар уловини одатда кўпқаватли уйлар ёнига, подъездлар олдида қаторлаштириб қўйишади.

Автомобиллар сони йил сайин кўпайиб бориши уларни сақлаш учун етарлича автотураргоҳларни қуришни талаб этади. Айниқса, шаҳар жойларда бунга талаб ва эҳтиёж тобора ортмоқда. Шу маънода, автомобилларни қўйиш жойларини қуриш, улардан фойдаланиш тартиб-қоидалари ҳамда фуқароларнинг уларга амал қилишига доир муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиниши табиий эҳтиёж ҳисобланади.

Кўпқаватли уйлар йўлкалари ва подъездларда автомашиналар тўхтаб туриши ёки қолдириб кетилиши, бу ерда фавқулодда ҳолат содир бўлганда махсус техникаларнинг юриши (ёки ўтиши)ни қийинлаштириб, ҳалақит беради. Шу боис ҳам бундай жойларда машиналарни қолдириб кетиш қатъиян ман этилади.

Реконструкция қилинаётган ва янги қурилаётган автотураргоҳлар ишга тушгунига қадар, шахсий автотранспорт эгаси ўз машинасини санитария меъёрларига асосан, тураржойдан 15 метрдан кам бўлмаган масофада вақтинча сақлаб туришига рухсат берилган.

Умумфойдаланадиган автотураргоҳларни барпо этиб бўлиб, етарлича шароит яратилгандан кейингина фуқароларнинг подъезд ва йўлчаларга машинасини қолдирмаслигига эришиш мумкин.



3.3.-расм. Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги “Чорсу” бозори олдида фаолият кўрсатаётган 6-қаватли автотураргоҳ.

Бунда ҳар бир фуқаронинг машинага умумфойдаланадиган автотураргоҳлардан алоҳида доимий бепул жой ажратилиши кўзда тутилади. Амалдаги қонунчиликка асосан шахсий гаражлар вақтинчалик қурилма ҳисобланади. Ердан вақтинчалик фойдаланиш учун тузилган шартномага биноан, гаражни олиб ташлаш талаб қилинганда, гараж эгаси талаб қилинган муддат ичида ўз ҳисобидан гаражни олиб ташлаши керак. [14]

Шахсий гаражларни олиб ташлашда асосан, қуйидагилар инобатга олинмоқда:

- ноқонуний ўрнатилгани;
- мақсадга мувофиқ фойдаланилмаётгани;
- ёнғин хавфсизлиги ва санитария-гигиена меъёрлари талабларига жавоб бермаслиги;
- ариқ ва канал бўйларида, ер ости коммуникациялар ўтказилган майдонларда, ижтимоий соҳа, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ёнида жойлашгани.

Автомобил тўхташ жойларида автомобиллар хавфсизлиги тўла таъминланган, видеокузатув ўрнатилган. Яқин атрофдаги аҳоли учун имтиёз тариқасида автомобилини сақлаш учун тўлов нархи бирмунча арзон белгиланган. Тўловлар пластик карталар орқали ҳам қабул қилинади.



3.4.-расм. Видеоидентификация тизими

Майдони 1,5 гектар бўлган мазкур автотураргоҳда аҳоли учун қўшимча хизматлар ташкил этилган. Жумладан, бу ерда бир вақтнинг ўзида автосервис хизмати ҳам йўлга қўйилгани мижозлар учун айтиш муддаодир. Юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам барча қулайликларга эга ана шундай автотураргоҳларни барпо этиш одамлар оғирини енгил, хотирини жам қилишга муносиб шароит яратади.

Президентимизнинг кўрсатмалари асосида бундай уйларнинг лойиҳаларида автомобилларни сақлаш учун ҳам алоҳида жой ажратилгани келажакда юқоридагидек муаммоларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Очиқ турдаги автомобиллар тўхташ жойи ташқи девор билан тўсилмаган ер устидаги автомобиллар тўхташ жойи, шунингдек очиқ иншоот бўлиб, ҳеч бўлмаганда, икки қарама-қарши томони ёпиқ бўлади.

Ёпиқ турдаги автомобиллар тўхташ жойи эса ташқи девор билан тўсилган ер устидаги автомобиллар тўхташ жойи ёки ер остидаги ҳамда атрофи ўралган – ярми ер остида, ярми ер устида жойлашган автомобиллар тўхташ жойидир.

Ҳар бир тўхташ жойи тўсилган бўлиши керак, токи унга кириш ва ундан чиқиш қоровул томонидан назорат қилинсин ҳамда уни рухсатсиз тарк этиш имконияти бўлмасин. Тўхташ жойида жойларни белгилаб қўйиш ҳам шарт.

Автомобиллар тўхташ жойининг хизматларидан фойдаланиш учун (бу хизматлар эса пуллидир) шартнома тузиш лозим, унга мувофиқ автомашина эгасига унинг уй манзили ва автомототранспорт воситасининг давлат рақами ёзилган тахтача билан белгиланган муайян жой бириктирилади. Автомобиллар тўхташ жойи хизматлари учун ҳақ тўлашни унинг егаси белгилайди, бироқ у тегишли туман (шаҳар) Халқ депутатлари кенгаши томонидан мазкур хизматлар тури учун белгиланган тўловнинг энг юқори миқдоридан ошмаслиги керак. Автомобиллар тўхташ жойлари гаражлар олиб ташланган жойларда барпо этилса, уларнинг собиқ эгаларига автомобилни доимий сақлаш учун жой ҳақ олмасдан берилиши ҳам назарда тутилган.

Автомобиллар тўхташ жойларидаги жойни биринчи навбатда тумандаги автомобил эгалари бўлган фуқаролар оладилар, агар шахсий гаражни бузиш ва автомобиллар тўхташ жойидаги жойини белгилаш пайтида машина эгасида у ёки бу сабабга кўра автомобил бўлмаса, жой сотиб олиш чоғида у автотранспорт воситаларини сақлаш хизматларини кўрсатадиган тадбиркорга мурожаат қилиб, кейинроқ унинг бириктирилган жойни олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этиши мумкин.

Автомобиллар тўхташ жойининг эгалари фақат юридик шахслар бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, Тошкент шаҳри ҳокимининг юқорида айтилган қарорида автомототранспорт воситаларини сақлаш учун

тўхташ жойларини куришга хусусий инвесторларнинг маблағларини жалб этиш назарда тутилган.

– Биринчи босқичда, автотранспорт воситаларини вақтинча ёки доимий сақлаш хизматларини кўрсатиш истагини билдирган юридик шахс туман ҳокимлигига танланган участкада (уйга туташ ҳудудда, муайян шартларга риоя этилганда, гараж олиб ташланган жойда) автомобиллар тўхташ жойини куришга рухсат беришга ариза беради.

БошАРБ архитектори билан келишилганидан кейин чизмани туман ҳокимлигига юборади. Унда куриш жойи ва автомобиллар тўхташ жойини барпо этишни хоҳловчи юридик шахснинг манзили кўрсатилади.

Мазкур чизма архитектор, Тошкент шаҳри Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи ва туман ҳокимининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Ариза ва тузилган чизмага асосан туман ҳокимининг фармойиши қабул қилинади, у кадастр ҳужжатини расмийлаштириш ва тасдиқланган режага кўра кейинчалик тўхташ жойини куриш ҳуқуқини беради.

Тўхташ жойларининг афзаллиги шундаки, Сиз:

- эгаллаган жойингиз учун хотирингиз жам бўлади;
- ҳеч ким автомобилнингизга ўз автомобилни яқин қўймайди;
- чиқиб кетишингизда ҳеч ким ноқулайлик туғдирмайди.

Пуллик тўхташ жойларининг бу ва бошқа қулайликлари шундаки ўз ишингиз билан хотиржам шуғулланишингизга имконият яратади.

Агарда тўхташ жойи пуллик бўлса, унинг ҳудудига кириш ва чиқишда:

- шлагбаум ёки у ерга кириш жойини тўсиб турувчи гидравлик устунлар кўринишидаги мослама туриши керак;
- кассир ўтирган будка ёки патта берувчи аппарат бўлиши керак ва тўхташ учун тўлов тўлаганингиздан сўнг тасдиқловчи патта берилиши керак;
- автомашиналарнинг кириш ва чиқиш оқимини тартибга солиш учун автомобиллар ҳаракатини бошқарувчи ишчилар бўлиши керак;

ишчиларнинг сони тўхташ жойининг катталиги ва автомобил оқимининг жадаллигига боғлиқ бўлади;

- автомобилларнинг тўхташ жойида жойлашиш тартибини белгиловчи чизиқлар чизилган бўлиши керак;
- муҳими – тўхташ жойига киришда алоҳида автомобил турлари учун туриш нархлари кўрсатилган прејскурант осилган бўлиши керак.

Автомобилларнинг текин тўхташ жойида шлагбаум ёки қоровулли ёки кассирли будкалар бўлиши шарт эмас, лекин унинг ҳудуди ҳам чегараланган ва автомобиллар учун ажратиш чизиқлари чизилган бўлиши керак. Бироқ, буюмларингиз бус-бут сақланиши ва йўқолмаслиги учун ҳеч ким кафолат бермайди.

Автомобиллар пулли тўхташ жойларидаги иш ҳақи. Автомобил тўхташ жойларини режалаштиришда уларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари инобатга олиниши лозим. Мисол тариқасида, Тошкент халқаро аэропортининг автомобиллар тўхташ жойининг сиғими расмий равишда бир кеча-кундуз давомида сал кам 200 дан ортиқ автомобил, шунингдек суткадаги автомобил оқими ўртача 2000 дан ортиқроқ. Бу тўхташ жойида автомобилнинг бир соат туриши учун тўлов ҳақи камида 2000 сўмни ташкил этишини ҳисобга олсак, бир суткалик даромад куйида келтирилган жадвалда ўз аксини топган.



Автомобил учун турар жой сони	Бир суткада автомобил оқимининг ҳажми (ўртача)	Тўхташ ҳақи (соат/ сўм)	Бир суткада олинадиган даромад (энг камида)
200	2000	1/2000	4 000 000

Мисол учун, Шайхонтохур туманидаги “Чорсу” бозори ёнидаги янги автомобил тўхташ жойини олсак, бу 650 тўхташ ўрнига мослашган 6-қаватли бино ҳисобланади. Бу ерда ўз машинангизни бир сутка ва ундан ортиқроққа қолдиришингиз мумкин. Агарда доимий мижоз бўлмасангиз, тўлаш нархи бир суткада 4000 атрофида бўлиши мумкин. Бу парковканинг асосий мижозлари яқин атрофдаги уйда яшовчилар бўлгани учун улар учун имтиёзлар тизими мавжуд бўлиб, унга кўра улар бир суткада 2500 сўм тўлайдилар.



3.5.-расм. Тошкент шаҳри “Самарқанд дарвоза” маҳалласида жойлашган
7-қаватли автотураргоҳ

Ушбу парковка мижозларидан олинган маълумотларга кўра бу тўхташ жойидаги жойларнинг сутка давомида эгалланиши меъёри ўртача 80% ни (520) ташкил этади. Энг кам тариф бўйича иш ҳақи ҳисоблаб чиқилади.

Автомобил учун турар жой сони	Бир суткада а/м оқимининг ҳажми (ўртача)	Тўхташ ҳақи (бир суткада)	Бир суткада олинадиган даромад (энг камида)
650	520	2500	1 300 000

Шу тариқа кичикроқ парковкаларнинг, жумладан Юнус-Обод туманидаги “Универсам” автомобиллар тўхташ жойининг ўртача даромадини ҳисоблаб чиқишимиз мумкин.

Автомобил учун турар жой сони	Бир суткада а/м оқимининг ҳажми (ўртача)	Тўхташ ҳақи (сўм)	Бир суткада олинадиган даромад (энг камида)
150	850	1500	1 275 000

3.3. Атроф муҳит муҳофазаси ва тўхтаб турувчи транспортлар муаммоси

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автомобиллардан, автомобиллар шоссеси асосида йиғилган қурилиш техникаларидан, транспорт корхоналаридан атроф-муҳитга чиқаётган зарарли чиқинди ва ташландиқларини чеклаш ва камайтириш, келтирилган зарар учун жавобгарликни ошириш бўйича илмий асосларни ишлаб чиқиш ва амалда тадбиқ этиш бўйича илмий иш жойлардаги назорат остидаги автомобиллар ва автокорхоналарнинг мониторинги асосида амалга оширилади.

2009 йилнинг 1 майига кўра тахминан Республикамизда 1.3 млн. автомобиллар мавжуд, уларнинг 1,097 млн. шахсий автомобиллардир. Булардан 1,09 млн. енгил автомобиллар, 0,180 млн. юк автомобиллари ва 0,04 млн. автобуслардир. Ушбу автомобиллар йилига 9 млн. тоннадан кўпроқ автомобил ёқилғисини ишлатадилар (газда ишлайдиган

автомобилларни ҳисобга олмаган ҳолда) ва бу ҳажмда ёқилғиларнинг 6,5 млн. тн. А-76 октан сонли бензин, 2,5 млн. тн. дизел ёқилғиси ишлатилади деб ҳисобланганда, атроф-муҳитга тахминан 2,242 млн. тн. яқин газлар, 0,91 млн.тн. кукун, 1950 тн. кўрғошин каби зарарли чиқиндилар ташланалар экан. Юқорида келтирилган чиқиндилар асослари ва уларнинг зарарлари ҳозирда ҳам илмий равишда асосланган. [5], [6]

Амалдаги миқдори чегараланган зарарли чиқиндилар ва уларнинг атроф-муҳитдаги миқдорининг кўрсаткичларини айримлари аниқланган. (хавони, сув ҳавзасини ифлослантириш бўйича) қолган чиқиндилар ўрганилмаган ва уларнинг рухсат этилган миқдори ҳам аниқланмаган шу туфайли қолган зарарли чиқиндиларнинг рухсат этилган миқдори аниқланмаган, чунки бу тўғрисида республика миқёсида қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмаган.

Илмий-техника тараққиёти барча транспорт турларида, шу жумладан, автомобил транспортида ҳам ҳаракат тезлигининг ошишига олиб келди. Агар 40-йилларгача ишлаб чиқилган юк автомобилларида конструкцион (максимал) ҳаракат тезликлари соатига 40...60 километрдан, енгил автомобилларда 60...100 километрдан ошмаган бўлса, ҳозир ишлаб чиқарилаётган юк автомобилларида максимал тезлик соатига 80...120 километр ва кўпчилик енгил автомобилларда 140...150 километрга тенгдир. Бироқ бундай катта тезлик имкониятидан кўп ҳолларда тўла фойдаланиш қийин. Чунки бу ҳозир йўллардаги автомобил оқимларининг катталиги, ҳаракат хавфсизлиги, йўл ва иқлим шароитлари билан боғлиқдир.

Бундан ташқари, ҳаракат тезлигини ошириш транспорт иқтисодига зиддиятли таъсир этади. Бир томондан, ҳаракат тезлигини ошириш йўлларни ўтказувчанлик қобилиятини ошириб, юк ва йўловчилар ташишни тезлаштириб, транспорт иқтисодий самарадорлигини оширса, иккинчи томондан, йўл қурилишидаги капитал харажатларни, эксплуатация қилиш сарфини кўпайтиради, ҳаракат тезлиги соатига 50...60 километрдан

ошганда ёнилғи сарфининг номуаносиб ошишига олиб келади ва ҳ.к. Бундан ташқари, тез юриш натижасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қийинлашади, кўнгилсиз ҳодисалар бўлиш эҳтимоли кўпаяди. [6]

Ҳозир ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш муаммосининг асосий икки йўналишда ҳал қилиш устида катта ишлар олиб борилмоқда. Биринчи йўналиш автомобил конструкциялари фаол хавфсизлигини таъминлашдир. Бунга автомобилларнинг ҳаракат вақтидаги турғунлигини ва бошқарилишини яхшилаш, тормоз тизимини такомиллаштириш ва бошқалар киради. Бу йўналиш асосан аварияга йўл қўймасликка қаратилган. Иккинчи йўналиш автомобил конструкциялари пассив хавфсизлигини таъминлашдир. Бунга, аввало, автомобил кабинаси мустаҳкамлигини ошириш, тўқнашиш энергиясини камайтирувчи бамперлар ишлатиш, хавфсизлик камарларини қўллаш, руль колоннасини телескопик конструкцияли қилиб ишлаш, кабина ичидаги ва унинг ташқарисидаги ўткир қиррали ва қаттиқ буюмларни йўқотиш ёки уларни юмшоқроқ ва амортизацияли қопламалар билан қоплаш ва ҳоказолар киради. Бу йўналиш асосан тўқнашиш натижасидаги кўнгилсизлик оқибатини енгиллаштиришга қаратилган.

Автомобил йўлларини лойиҳалашда ва қуришда ҳаракат хавфсизлиги талабларига аҳамият бериш ҳам актуал муаммодир. Кўп автомобил қатнайдиغان жойларда автострадалар қуриш лозим. Бундай автострадалар кўп тасма(полоса)ли ҳаракатга мўлжалланган бўлиб, кесишиш жойлари икки қаватли (яъни путепроводли) қилиб қурилади. Бундай йўлларда махсус қопламалар ишлатилиши лозим. Велосипед ҳаракати ва йўловчилар учун махсус тротуарлар қурилиши керак. Бундай автострадалар ҳаракатини бошқаришни енгиллаштирувчи белгилар, светофор ва бошқа техника воситалари билан жиҳозланиши лозим.

Ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишлари ҳам муҳимдир. Чунки кўнгилсиз ҳоллар ва

фалокатларнинг 75...80 фоизига ҳайдовчилар ёки йўловчилар йўл ҳаракатига риоя қилмасликлари сабаб бўлмоқда.

Автомобил транспортида бошқаришни автоматлаштириш бошқа транспорт турларидаги каби кўп қирралидир. Ҳаракат тезлигининг ошиши ва автомобил оқимларининг кундан-кунга кўпайиб бориши автомобилларни бошқаришни автоматлаштиришни тақозо этади. Бу масалани ҳал қилишда ҳайдовчилар меҳнатини енгиллаштирувчи автоматларни қўлланиш ва айрим иш жараёнларини оптималлаштириш лозим. Буларга ёнилғи сарфи ва ёниб бўлган газлардаги заҳарли моддаларни камайтириш, узел ва агрегатлар меъёридаги иш режимларини таъминлаш ва бошқалар киради. Йўлдаги тўсиқларни узоқдан аниқловчи радар ускуналарини ўрнатиш, катта ва оғир автопоездларни бошқаришда телекамералардан (одатда автомобил томига ўрнатилади) ва бошқа автоматика воситаларидан фойдаланиш ҳам зарур масалалардандир.

Шу билан бирга автомобилларни бошқаришни тўлиқ автоматлаштириш, уларни ҳайдовчисиз ишлатиш масалалари устида ривожланган хорижий мамлакатларда катта илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётир.

Ҳозир автоматлаштиришнинг энг муҳим масалаларидан бири асосий ишлаб чиқариш жараёнлари элементларини ва ташиш жараёнини тўлиқ автоматлаштиришдир. Аниқ ва ғавқулодда ҳолларда автобус ҳаракати жадвалига оқилона ўзгартиришлар киритиш, режа кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш ва бошқа кўп илдам масалаларни ҳал қилиш мумкин. Шунингдек, автоматик бошқариш тизими моддий-техника таъминоти, капитал қурилиш, бухгалтерия-молия фаолияти, перспектив режаларни ҳисоблашда ва узоқ давр башоратларини аниқлашда ҳам катта ишларни бажаради.

Автомобил саройларини кўпайтириш катта ва мураккаб техник-иқтисодий муаммолардан бири бўлиб, уни ҳал қилиш мустақиллик йилларида ишга туширилган автомобилсозлик ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, автомобил ишлаб чиқаришни сон жиҳатдангина

1999-2009 йилларда тендер асосида жойлаштирилган шаҳар ичи, шаҳар атрофи ва вилоят ҳудудларида қатновчи шаҳарлараро автобус йўналишлари ошириб қолмай, самарадорлиги юқори бўлган янги автомобиллар эга бўлганларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим.

(01.08.2009 йил ҳолатига) 12-жадвал

№	Уюшмалар номи	Амалда ўтказилган Тендерлар Сони	Амалда танловга қўйилган йўналишлар			Ғолиб чиққаб бошқа ташувчилар сони			Ғолиб чиққан уюшмалар автосаройлари		
			Жами	Шундан		Жами	Шундан		Жами	Шундан	
				Шаҳар ичи ва шаҳар атрофи	Шаҳар лараро		Шаҳар ичи ва шаҳар атрофи	Шаҳар лараро		Шаҳар ичи ва шаҳар атрофи	Шаҳар лараро
1.	Қорақалпоқавтотранс	14	84	62	22	16	10	6	68	52	16
2.	Тошшаҳарйўловчитранс	12	178	178	-	43	43	-	135	135	-
3.	Тошкентвилояттранс	44	204	177	27	11	11	0	193	166	27
4.	Сирдарёвилояттранс	8	28	26	2	7	6	1	21	20	1
5.	Фарғонавилояттранс	16	59	57	2	5	5	0	54	52	2
6.	Андижонвилояттранс	9	73	69	4	11	11	0	62	58	4
7.	Наманганвилояттранс	16	103	101	2	8	8	0	95	93	2
8.	Самарқандвилояттранс	12	80	80	0	3	3	0	77	77	0
9.	Бухоровилояттранс	21	78	78	0	19	19	0	59	59	0
10.	Сурхондарёвилояттранс	16	56	56	0	1	1	0	55	55	0
11.	Қашқадарёвилояттранс	83	262	232	30	25	23	2	237	209	28
12.	Хоразмвилояттранс	6	27	27	0	0	0	0	27	27	0
13.	Жиззахвилояттранс	11	39	30	9	12	9	3	27	21	6
14.	Навоийвилояттранс	7	36	25	11	15	15	0	21	10	11

Самарқанд шаҳрида ташкил қилинган "СамАвто" заводи қуввати республика иқтисодиётига зарур бўлган такомиллаштирилган юк автомобиллари (шу жумладан ихтисослаштирилганларни ҳам) ва мини ҳамда кўп сиғимли автобуслар чиқаришни йўлга қўйиш лозим.

Бундан буён чиқариладиган автомобиллар ёнилғини тежаб сарфлайдиган, атроф-муҳитга заҳарли чиқинди ва қора тутунларни экологик меъёрдан оширмай чиқарувчи, ҳаракат хавфсизлиги даражаси юқори бўлган, бошқаришга қулай, кам сервис хизмати ва таъмирни талаб қиладиган бўлиши лозим.

Карбюраторли двигателларда ёнилғи тежамини ошириш асосида ёнувчи газлар сиқилиш даражасини ошириш, карбюрация ва ёнилғи пуркашни яхшилаш ҳисобига бажарилади. Бундан ташқари, ёндиришнинг электрон ва форкамера тизимларини жорий этиш ҳам ёнилғи тежамини оширади.

Автомобил саноатини ривожлантиришда юк автомобиллари ва автобуслар билан бирга дизель двигателли енгил автомобилларни ҳам ишлаб чиқаришни ўзлаштириш масаласига катта эътибор берилиши керак. Дизель ёнилғиларининг бензиндан арзонлиги назарга олинса, дизель двигателларининг умумий тежами карбюраторли двигателларга нисбатан 30...40 фоиздан ортиқни ташкил этади.

3.4. Келажакдаги транспортлар тизимида автомобил тўхташ жойлари ва гаражлар

Автомобил транспорти бир қанча ўзига хос хусусиятлари билан транспортнинг бошқа турларидан ажралиб туради. Автомобил транспорти юқори даражада маневрчанлиги ва ҳаракатчанлиги туфайли керакли миқдордаги транспорт воситаларини зарур жойларга тез йиға олади, юкларни жўнатувчилар омборидан юк қабул қилувчилар омборигача бевосита етказиб беради. Бунда юкларни бир транспорт туридан бошқасига қайта юклашга эҳтиёж қолмайди. Автомобил транспортининг қисқа масофаларда юк ва йўловчилар ташиш тезлиги темир йўл ва дарё транспортлардагига нисбатан анча юқоридир. Юк ва йўловчилар оқими кам бўлган ерларда автомобил транспорти темир йўл транспортига нисбатан инвестиция сарфини кам талаб этади. Чунки автомобиллар ҳар қандай йўлларда ҳам ишлаши мумкин бўлиб, махсус излар ёки йўл қурилишини талаб қилмайди. Автомобил транспорти йўлларнинг доимий бўлиши билан боғлиқ бўлмай, айрим йўллар ишдан чиққан пайтда уларга параллел бўлган йўлларда ҳам қатнаши мумкин. Баъзан автомобил йўллари орқали юк ёки йўловчилар ташиш масофалари темир йўл ва дарё

йўлларига нисбатан қисқа бўлган ҳоллари ҳам учрайди, чунки улар йўллардаги тўсиқларни айланиб ўтмай, тўғри йўл маршрутлари билан ҳаракатланишлари мумкин. Масалан, Тошкентдан Намангангача бўлган темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш масофаси Ангрен-Хўжанд тоғларини айланиб ўтиш ҳисобига 450 километрни ташкил этса, автомобил транспорти тўғри Ангрен тоғининг Қамчиқ довонидан ўтиб бориш ҳисобига ташиш масофаси 300 км ташкил этади ёки Қарши ва Термиз шаҳарлари орасидаги автомобил йўллар масофаси темир йўллардагига нисбатан 320 км кам ҳамда ҳорижий давлат ҳудуди (Турманистон)га кирмай ўтади ва бу ҳол Ўзбекистонга валюта харажатини тежаш имконини беради.

Қисқа масофаларда автомобил транспорти билан тўғридан-тўғри юк ташиш, аралаш ташиш тизимига хос бўлган юкларни йўллардаги транспорт узелларида қайта ортиш-тушириш ишлари бўлмаслиги ва ташиш тезлигининг катталиги юк ташиш умумий харажатларини анча тежаш имкониятини беради. Узоқ масофаларга юк ташишда ташиш таннархининг қимматлиги унинг иқтисодий самарадорлигини бошқа транспорт турлардагига нисбатан камайтириб юборади. Ҳозир автомобил транспорти ҳиссасига Ўзбекистон Республикаси транспортининг барча турларида ташиладиган юклар ҳажмининг (тонна ҳисобида) 90 % дан ортиғи тўғри келади. Ҳозирги кунда автомобил транспортисиз иқтисодиётнинг биронта тармоғи ҳам ўз фаолиятини давом эттира олмайди.

Саноатда автомобил транспорти ҳар йили деярли 600 млн. тонна юк ташийди. Саноат корхоналарига хом-ашё автомобилларда ташилади ва у ердан тайёр маҳсулот яна автомобилларда олиб чиқилади. Карьерларда 135, 170 т юк кўтарадиган самосвал-автомобилларнинг қўлланилиши тоғ-кон ишлама саноатининг шахтали усулига нисбатан руда қазилмаларни очиқ усулда қазиб чиқаришни кенг ривожлантиришга йўл очиб беради. Ҳар йили бундай ишларда самосвал-автомобиллар ёрдами билан 500 млн.

тоннадан ортиқ руда, сланес, кўмир ва карьерлар уст қобиғи жинслари ташилади.

Ҳозирги замон индустриал қурилишида автомобил транспортининг аҳамияти янада ўсди. Саноат ва уй-жой қурилишларида ишлатилувчи йирик темир-бетон буюмлар, блоклар, панеллар, ферма бошқа қурилиш иншоотлари элементлари фақат автомобилда ташилади. Автомобил транспортисиз мамлакатимизда қурилиш-монтаж ишларини авж олдириб бўлмайди. [15]

Улкан гидротехника иншоотларини қуришда автомобил транспорти жуда катта ишларни бажаради.

Автомобил транспортисиз кўплаб маҳсулот етиштириладиган ҳозирги замон қишлоқ хўжалигини тасаввур қилиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигида автомобил ички ҳамда ташқи юк ташиш ишларида кенг қўлланилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (ғалла, пахта, қанд лавлаги ва ҳоказоларни) йиғим-терим пайтида ташишда автомобил транспорти ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ҳосилни бузилишдан сақлаш учун уни қисқа муддатда (10...20 кун ичида) йиғиб-териб ва ташиб олиш керак. Қишлоқ хўжалигида автомобил транспорти ёрдамида юк ташишнинг умумий ҳажми йилига 100 млн. тоннани ташкил этади ва бу рақам янада ўсиб бормоқда.

Барча савдо, шу жумладан, хусусий мулк эгаларига тегишли тармоқларида юк ташишнинг катта партияли молларни базалардан ва ҳар бир савдо жойига етказиб беришгача бўлган ҳамма турларини асосан автомобил транспорти воситасида амалга ошириш мумкин.

Мураккаб коммунал хўжалик иншоотларига эга бўлган замонавий шаҳарларда транспорт хизматини автомобил транспорти тўла эгалламоқда.

Автомобил транспортининг бошқа транспорт турларига нисбатан афзалликларидан яна бири шундаки, у юкларни ҳар қандай жойга, юк жўнатувчи ва юк қабул қилувчи энг кичик жойларгача етказиб беради. Мана шундай афзалликларга кўра, автомобил транспорти маҳаллий

алоқалардаги катта аҳамиятидан ташқари, магистрал темир йўл, сув ва ҳаво транспорти учун ҳам зарур қўшимча алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади. Кейинги йилларда кўплаб юклар 200....300 км гача масофаларда темир йўл транспортидан автомобил транспортига ўтказилмоқда. Бу нарса темир йўл транспорти ишини анча енгиллаштиради, юкларни бир транспортдан иккинчисига қайта тушириб-ортишни камайтиради ва уларни истеъмолчиларга етказиш тезлигини оширади. Автомобил транспорти темир йўлга қараганда қисқа ва узоқ масофаларда ҳам юк ташиш тезлигини анча оширади. Автомобил транспортида узоқ масофаларга юк олиб боришни тезлатиш автомобилларда шаҳарлараро юк ташиш ишини ривожлантиради. Ўзбекистон ҳудудида Буюк Ипак йўлининг тикланиши автомобил транспортида шаҳар ва давлатлараро юк ташишни кенг қўлланиш учун яхши шарт-шароитлар яратилади. Буларга кўп юк кўтарувчи автомобил ва автопоездларнинг кўплаб ишлатилиши, йўл қурилишининг такомиллашиши ва амалга оширилган бошқа бир қатор тадбирлар ёрдам бермоқда. Бунга биринчи навбатда минтақавий автомобилларда ташиш уюшмаларига тегишли автомобил транспортини кенгайтириш, шаҳар ва давлатлараро юк ташиш учун ихтисослаштирилган автомобил корхоналарини ва юк ташиш ишини уюштирувчи автомобил терминаллари ташкил қилиш ва бошқалар қиради.

Автомобилларда шаҳарлараро юк ташишни ташкил этишдаги муҳим тадбирлардан бири транспорт воситасидан фойдаланишда "юк ташиш елкаси" усулини жорий этишдир. Бундай усулда юк ташишда юк жўнатувчи ва юк қабул қилувчи шаҳарлар орасидаги ҳаракат маршрути бир неча "юк ташиш елкаларига" (учаскаларга) бўлинади. Ҳар бир участканинг оралиқ масофаси ҳайдовчининг иш куни (сменаси) давомида бориб қайтишини ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Юклар бу усулда ташилаётганда ярим тиркамали автопоездлардан фойдаланилади. Юк жўнатишган шаҳардан юк олувчи шаҳаргача етказиб беришда турли участкаларда бошқа тягачлар ва ҳайдовчилар ишлайди.

Автомобил поездининг ярим тиркамалари ҳар участканинг охирида (одатда юк терминалида) алмаштирилади. Бунда юк ташишда катнашаётган ҳайдовчилар сони участкалар сонига тенг бўлиши керак.

Юк ташишни "юк ташиш елкаси" усулида ташкил қилиш ташиш тезлигини ягона автомобилда ташиш тизимига нисбатан анча оширади ва ҳайдовчилар меҳнاتини меъёрида ташкил қилишга имкон беради. Бундай юк ташиш тизими айниқса қимматбаҳо, зудлик билан ташиладиган, тез бузиладиган ва тушириб-ортишга ноқулай юклар учун фойдалидир.

Автомобил транспортининг яна бир афзаллиги шундаки, уни қисқа вақт ичида ишга тушириш ва автомобилларда темир йўл бўлмаган ерларда юк ва йўловчилар ташиш мумкин. Автомобил транспортининг бу афзаллиги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда жуда катта аҳамиятга эга. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш катта миқдорларда юк ташишни талаб қилади.

Автомобил транспортида жуда катта миқдорларда йўловчилар ҳам ташилади. Масалан, шаҳар ичи йўловчилар ташишда автомобил транспортининг улуши 60 фоиздан кўп. Шаҳарлараро узоқ масофаларда ҳамда шаҳар атрофи ерларида йўловчилар ташишда ҳам автомобил транспортининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Лекин автомобил транспорти юқорида кўрсатилган афзалликларга қарамай, темир йўл ва дарё транспортига қараганда анча паст техник-эксплуатацион кўрсаткичларга эга. Муҳим камчиликлардан бири – автомобил транспорти ишчилари меҳнат унумдорлигининг пастлигидир. Бу ҳол автомобил транспортидаги транспорт воситаси бирлигининг темир йўл ва дарё транспортидагига нисбатан кам юк кўтара олиши ёки йўловчилар сифими кичиклиги билан изоҳланади. Шунинг учун юк ташиш таннархини каттагина қисмини ҳайдовчилар ва таъмирловчи ишчилар иш ҳақи ташкил қилади. Транспорт воситаси бирлигига тўғри келадиган двигателлар қувватининг катталиги ёнилғи сарфини оширади.

Транспорт воситасидан фойдаланиш кўрсаткичларининг пастлиги ва йўл шароитларининг оғирлиги ҳам автомобил транспортида меҳнат унумдорлигининг паст бўлишига олиб келади.

Автомобил транспортининг яна бир муҳим камчилиги ташиш таннархининг катталигидир. Автомобил транспорти ташиш таннархининг катталиги, унинг қимматбаҳо ёнилғида ишлаши, бажарилган иш бирлигига нисбатан ёнилғи сарфи кўплиги, транспорт воситаси бирлиги юк кўтара олиш ёки йўловчилар сиғдира олиш қобилиятининг кичиклиги сабабли бажарилган ишга нисбатан тўланадигин иш ҳақи катталигидир. Бундан ташқари, автомобил транспортида транспорт воситаларининг юк елтиб берилгач, қайтишда юксиз юришлари ҳам ташиш таннархини катталаштиришга олиб келади. Юқорида айтилганларга кўра, автомобил транспортини қисқа масофаларда, айниқса ички ташишларда ишлатиш мақсадга мувофиқдир. [8]

Ўзбекистон Республикасининг автомобил транспорти турли хил мулк эгалариники, жумладан, шахсий мулк эгалариники бўлиб, бутун республика ҳудудида жойлашган катта ва мураккаб халқ хўжалиги комплексидир. Бу комплексга 80 минг километр автомобил йўли (унинг 85 фоизидан ортиғи тош, бетон ва асфалт йўл), мингга яқин ихтисослашган йирик ҳиссадарлик автомобил транспорти корхоналари киради. Минтақавий автомобилларда ташиш уюшмалари тизимида 200 ортиқ юк ташувчи, 96 та аралиш ташиш билан шуғулланувчи автокорхоналар, шу жумлада 25 автожамланма мавжуд. Ҳозирги кунда хусусий мулк эгаларида юк автомобилларининг сони 40 минг атрофида бўлиб, унинг салмоғи минтақавий автомобилларда ташиш уюшмалари корхоналаридагига нисбатан икки марта кўп бўлиб, турли хил мулкдорлар ўртасида ҳақиқий рақобат ташкил этиш даражасидадир.

Келгусида юк автотранспортини ривожлантириш, автотранспортда илмий-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш, тиркамаларни кенг қўллаш эвазига транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини

ошириш, ташиш жараёнини ташкил этишни яхшилаш ҳисобига сарф-харажатларни камайтириш, бозор шароитида транспорт хизмати кўрсатиш рақобатбардошлигини кўтариш юзасидан вазифалар белгиланган.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар, вилоятлар ва Қорақалпоғистон автомобилларда ташиш уюшмаларига тегишли ҳиссадорлик автотранспорт корхоналари ҳар бир туманда, шаҳар ва вилоятда мавжуд. Улар автовокзаллар, автобошбекат ва автошоҳбекатлар, автомобил сақлаш жойларига эга.

Республика бўйича 2280 та йўловчи ташувчи қатнов йўналишлари бўлиб, шулардан 431 таси шаҳарлараро, 100 дан ортиғи шаҳар ва туман марказларини боғловчи, 500 га яқини шаҳар ичи ва 1768 та шаҳар атрофи автобус қатнов йўналишларидир. Ўртача бир кунда шаҳар автобус қатнови йўналишларида 2,45 млн. йўловчи, шаҳар атрофи йўналишларида қарийб 3,2 млн. ва шаҳарлараро йўналишларда 2,2 минг йўловчиларда ташилмоқда. Умуман олганда, бир кунда 5,65 млн. йўловчилар ташувчи республика транспорти маршрутларида мунтазам қатнайди. Йўловчи ва ҳайдовчилар учун қулайликларга эга, ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган 27 та автошоҳбекат, 120 та автобошбекат ва 123 та чипта сотиш шаҳобчалари хизмат кўрсатмоқда.

Аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, қулай шароитлар яратиш мақсадида республикамизнинг йирик туман марказлари, аҳоли зич жойлашган ҳудудлари ҳамда шаҳарларда автошоҳбекат ва автобошбекат, автомобил сақлаш жойлари қурилишига кенг эътибор қаратилаётир.

Йўл тармоқларини кенгайтириш ва ривожлантириш саноат, қурилиш ва айниқса қишлоқ хўжалиги тараққиёти суръатларини анча тезлаштиради.

ХУЛОСА

Автомобиллашув муаммоси билан бир қаторда ҳозирги даврда йирик шаҳарларда доимий гаражлар қуриш ва қисқа вақт учун шахсий енгил автомобил турар жойларини қуриш муаммоси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлмоқда.

Шаҳарларнинг барча инфратузилмаларини истиқболли ривожлантириш, ушбу тадқиқотлар комплекс характерга эга бўлиб, у ўзининг кенг кўламли, ҳамда шаҳарсозлик тамойиллари нуқтаи назаридан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуа марказлари, автомобилларни сақлаш жойларини лойиҳалашни ўз ичига олади.

Бундай ёндошиш шаҳар структурасида ўз функционал тузилиши, ўз конструктив ва технологик ечимига эга бўлган янги турдаги биноларнинг типологиясига киритиш муаммолари билан боғлиқ муаммоларни ечишда, айниқса, бугунги кунда бозор иқтисодиёти нуқтаи назарида, долзарб муаммо ҳисобланади. Ҳамда автомобилларнинг тўхташ жойлари ва гаражларни режалаштириш учун йўловчилар ва транспорт оқимини ҳисобга олган ҳолда шаҳарсозлик даражасида жой танлаш турли хил қийинчиликлар туғдиради.

Автомобиллар тўхташ жойлари ва гаражларни режалаштиришда транспорт тизимида жойлаштириш натижасида объектга сарфланган харажатларни қоплай олиш муддати қисқаради ва тўхташ жойлари майдонининг ҳудуд майдонига нисбатан фойдали иш коэффициенти паст бўлса ҳам, бутун тўхташ жойларининг рентабеллигини оширади.

Бундан ташқари шаҳарсозлик шарт-шароитлари ва йўл транспорт иншоотлари орасидаги боғлиқлик муҳим бўлиб, етарлича баҳо бермаслик мумкин эмас.

Замонавий автомобил тўхташ жойлари ва гаражлар муваффақиятли режалаштирилиши учун қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

Харидорлар, меҳмонлар ва туристлар учун қулай автомобил тўхташ жойи ҳам кўзда тутилиши керак, марказнинг архитектуравий ечими

индивидуал ва фойдаланиш учун қулай бўлиши, ҳамда шаҳарнинг талаб мавжуд бўлган ҳудудда лойиҳаланиши керак.

Режалаштириладиган автомобил тўхташ жойлари жиҳозланиши умумий концепция асосида бажарилиш лозим, бунинг учун доимий ва даврий ташриф буюрувчи автомобил эгалари учун барча шарт-шароитлар яратилиши керак, марказнинг ҳажмий-режавий ечимида мумкин бўлган (нормал функционал ишлаши учун) максимал арендага бериладиган майдон кўзда тутилиши керак, автомобил тўхташ жойлари планировкаси ҳудуддаги бошқа бино ва иншоотларга киришда қулай бўлиши керак, транспорт эгалари учун учун тўхташ жойлари даражасига мос келадиган хизматлар ва қўшимча қулайликлар мажмуаси яратилиши лозим.

Ушбу диссертация иши айнан, автомобил тўхташ жойлари турли ҳудуд ёки шаҳар, туман классификацияси, унинг таркибидаги ва структурасидаги фарқлар, шаҳарсозлик тамойиллари асосида яратилган шароитлар ва автомобил тўхташ жойларининг асосий параметрлари орасидаги ўзаро боғлиқлик дунё тажрибаси ва амалдаги меъёрлар асосида ечилган. Автомобил тўхташ жойлари режалаштиришга мўлжалланган шаҳар зонасига боғлиқ ҳолда энг мос келадиган лойиҳа турини танлаш йўллари кўриб чиқилди.

Бу маълумотлар асосида автомобил тўхташ жойларининг иқтисодий жиҳатдан асослашда ва лойиҳалашда қўллаш мумкин.

1. Бозорлар ва очик майдонларни йирик савдо марказларига айлантирилганлиги, савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари харидорлар учун қулайликлари умуман йўқлиги (масалан, қиш ва ёз шароитида бу иншоотларда микроиклим яратилмаган ва ёритилганлик таъминланмаган) ҳамда одамларнинг хавфсизлиги ва эвакуацияси таъминланмаган ёки қисман таъминланган. Савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари фойдаланилаётган бино ва иншоотлар савдо марказлари сифатида лойиҳаланмаганлиги сабабли, бу бино ва иншоотлар жамоат биноларига қўйиладиган функционал талабларини қондира

олмайди. Савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари катта майдонни эгаллайди ва турли йўналишда савдо қиладиган дўконлар тартибсиз жойлашганлиги туфайли ташриф буюрганлар ва харидорлар учун жуда катта қийинчиликлар туғдиради. Бунинг натижасида эса харидорлар ва мижозлар ўз автомобилларини қўйиш учун узок вақт жой қидириш билан овора бўлишади. Туристлар учун ҳам бу ҳолатда яхши шароитлар яратилмаслиги уларнинг вақти ва қизиқишини сўндиради. (масалан, Самарқанд вилоятидаги айрим бозорлари мисолида).

Савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари ва жамоат бинолари, турар жойлари ёнида автомобил тўхташ жойлари кўзда тутилмаган. Юқоридаги камчилик ва хатоларни эътиборга олган ҳолда шаҳримиз инфраструктураси учун янги турдаги замонавий автомобил тўхташ жойларини режалаштириш устида иш олиб боришни ўз олдимизга мақсад қилдик.

2. Самарқанд вилоятидаги Сиёб дехкон бозори олди, Самарқанд давлат архитектура қурилиши институти олди автомобил тўхташ жойлари мисол сифатида олинган ҳудудлар, автомобил тўхташ жойларига қўйиладиган функционал талабларга тўлиқ жавоб бермаганлиги ҳамда катта майдонда ва очик ҳавода жойлашганлиги унинг асосий камчиликлари ҳисобланади.

Аҳолининг турмуш шароити ва фаровонлигини оширишда хизмат кўрсатиш соҳаларнинг таъсири энг юқори бўлади. Бундан ташқари аҳоли жойлашуви, корхоналар мавжудлиги, хизмат кўрсатиш соҳалари ҳажмининг юқорилиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ер-сув билан таъминланганлиги, аҳолининг зич жойлашуви ҳам турмуш шароитини оширишга катта таъсир кўрсатишига ишонч ҳосил қилдик. Булар аҳоли даромадининг ошишига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Шаҳар тараққиёти ва фаровонлигини оширишда энг муҳим кўрсаткич-лардан яна бири, бу шаҳарларда ишлаб чиқариш фондлари ва ишчи кучларини жалб қилиш, уларга керакли шароитлар яратиш, ишчи

ходимларнинг иш вақтида автомобилларини сақлашга доир муаммоларга дуч келмаслиги йўлларини топиш ва жамиятнинг чегараланган ресурсларидан оқилона фойдаланиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этишдир.

3. Мавжуд автомобил тўхташ жойлари технологиялари ва янги форматларининг ривожланишидан ортида қолмоқда масалан, йирик майдонли автомобил тўхташ жойлари объектларидан ташкил топган автомобил тўхташ жойлари ёки кўп функцияли мажмуаларга қўйиладиган махсус талаблар асосида лойиҳачилар учун зарурий бўлган амалдаги меъёрий ҳужжатларни очиқ берувчи “адабиётлар”ни тайёрлаш йўлга қўйилмаган ва лойиҳалаш учун маълумотлар етишмаслиги туфайли юртимизда барпо бўлаётган кўпгина автомобил тўхташ жойлари чет элда автомобил тўхташ жойларидан тўғридан тўғри нусха олинмоқда.

4. Замонавий чет эл тажрибасида автомобил тўхташ жойларини лойиҳалаш ва қуриш кенг тарқалган оммавий бинолар турига киради. Бирлашган араб амирликлари, Швеция, Европа давлатларида автомобил тўхташ жойлари қурилиши амалга оширилди. Ушбу автомобил тўхташ жойлари юзлаб квадрат метр жойни эгаллаб, аҳолига барча турдаги автомобил тўхташ жойлари ва техник хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича хизмат кўрсатишмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ободонлаштириш ишларида айниқса, автомобил тўхташ жойларининг жойлашуви ва уларнинг ҳолатига эътибор камлигидан, ташқари, кичик ва катта автомобил тўхташ жойлари тартибсиз ҳолда жойлашган. Уларда турли хизмат кўрсатиш турлари ва автоматлаштирилган хизматларнинг йўқлиги янги масалалар қўймоқда.

5. Автомобил тўхташ жойларининг архитектуравий ечимининг асосий мақсадлари тўхташ жойлари билан бир қаторда ижтимоий хавфсизлик мақсадлари учун ҳам шароитлар яртиб беришдан иборатдир.

6. Автомобил тўхташ жойларини ташкиллаштиришдаги чет эл тажрибасининг таҳлили шу нарсани кўрсатиб турибдики, куйидаги факторлар уларнинг шаклланишига асосий таъсир кўрсатади:

- ҳар бир маълум вазиятда автомобил тўхташ жойларини ташкил қилишда ажратилган ер участкасини лойиҳавий структураси ва шаклидан келиб чиққан ҳолда унинг ички тузилишини шакллантириш керак.

- автомобил тўхташ жойларининг ички тузилишида композицион ва функционал тугунлар ташкил қилинишига алоҳида эътибор қаратилиши керак.

- замонавий шаҳарсозлик усуллари автомобил тўхташ жойлари ички ва ташқи муҳитларини уйғунлашган ҳолда ташкил қилинишини тақозо этади.

Ҳар бир автомобил тўхташ жойлари ўзига хос магнитга эга бўлиши ва ушбу магнит шаҳарсозлик нуқтаи назаридан ҳам аҳоли яшаш жойида доминант вазифасини бажарилишига эришмоқ керак.

Ҳозирги замонавий шаҳарсозлик талабларида замонавий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, магнит вазифасини бажарувчи элемент сифатида мажмуа таркибидаги автомобил тизими ва йўл транспорт иншоотларида автомобил тўхташ жойлари қабул қилиниши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. “Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Тошкент, 2000 йил 26 апрел.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. «Автомобиль транспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида». Тошкент, 2010 йил 5 апрел.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. Автомобиль транспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 409-модда*)
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 июлдаги 213-сон қарорига илова. “Автомобиль транспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” низом.
5. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси. Т., Адолат, 2004 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида» қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этишни такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». 2005 йил, 26 апрелдаги ПҚ-62-сон қарори.
8. Замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2009 йил, 10-11 сон, 112-модда; 14-сон, 138-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштириш, яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида". 2009 йил 22-январдаги ПҚ 1045-сон қарори.
10. Ўзбекистон Республикасининг "Шаҳарсозлик Кодекси".
11. Указ Президента РУз «О мерах по дальнейшему совершенствованию архитектуры и градостроительства в РУз» от 26.V.2000 г. № VII-2595.
12. Постановление Кабинета Министров РУз. «О мерах по совершенствованию деятельности Гос. Комитета РУз по архитектуре и строительству» от XII.2003 г. № 538.
13. Постановление Кабинета Министров РУз № 165 от 2000 года «Об улучшении градостроительства городов».
14. ШНК 2.07.01-03* «Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш» Тошкент, 2009.
15. ШНК 2.05.02- 07 «Автомобиль йўллари» Тошкент, 2007.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти И.А.Каримовнинг асарлари:

15. И.А.Каримов. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида". Ўзбекистон, 1995 йил. 17 ... 40 бетлар.
16. И.А.Каримов. "Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш—барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир". Т., Ўзбекистон, 2008 йил. 3 ... 21 бетлар.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

17. [Ванникова](#) Е.М. "Многоэтажные подземные и надземные гаражи-стоянки". М., 1978 г., 156 с.;
18. [Верещак](#) Ф.П., Абелевич Л.А. "Проектирование авторемонтных предприятий". М., Транспорт, 1973 г., 78 с.;
19. ВСН 01-89 (Минавтотранс РСФСР) "Ведомственные строительные нормы. Предприятия по обслуживанию автомобилей". 15. ВСН 2-85.

20. Го Дэюнъити. "Многоэтажный гараж". Журнал "Изобретение стран мира" Наземное строительство, М., 1992 г., вып. 60, № 2, 50 с.;
21. Голубев Г.Е. "Автомобильные стоянки и гаражи в застройке городов". М., Стройиздат, 1988 г., 252 с.;
22. Давидович ЖИ.Х. "Проектирование предприятий автомобильного транспорта". М., Транспорт, 1967 г., 387 с.;
23. Дубровин Е.Н. Городские улицы и дороги. – М.: Высш. шк., 1991 г.
24. Караиванов Д., Никонов Б. "Многоэтажные гаражи-паркинги. Многоэтажные гаражи-стоянки", жур. "Строительные конструкции и изделия", 1985 г., № 6-7, с. 8-16;
25. Касимова С.Т., Шоджалилов Ш., Ходжаев С., Арабова С. Йўл транспорт иншоотлари. Ўқув қўлланма 1-қисм, ТАҚИ, 2003 йил.
26. Касимова С.Т., Шоджалилов Ш., Ходжаев С., Арабова С. Йўл транспорт иншоотлари. Ўқув қўлланма 2 қисм. ТАҚИ, 2004 йил.
27. Касимова С.Т., Шоджалилов Ш., Бадер О.А. Шаҳарларни режалаштириш, куриш ва реконструкция қилиш. Ўқув қўлланма. - Т.: ТАҚИ, 2002 йил.
28. Лысогорский А.А. "Городские гаражи и стоянки. Формирование и хранение индивидуального автопарка в крупных городах". М., Стройиздат, 1972 г., 364 с.;
29. Меркулов Е.А. и др. Проектирование дорог и сетей йўловчиского транспорта в городах. – М.: Стройиздат, 1998 г.
30. Справочник проектировщика: Градостроительство. Под ред. В.И.Белюсова. - М.: Стройиздат, 1996 г.
31. Убайдуллаев Х.М., Абдурахманов Ю.И., Сейтмаматов М.Б. Жамоат бинолари типологияси. Тошкент, 2002.
32. Шестокас В.В. "Гаражи и стоянки". М., Стройиздат, 1984 г., 214 е.;
33. Шестокас В.В. "Город и транспорт". М., Стройиздат, 1983 г., 345 е.;
34. Щеглов В.А. "Организация хранения автомобилей в гаражах". М., Транспорт, 1980 г., 38 с.;

35. Юхименко В.Г. "Пожарная безопасность индивидуальных гаражей".
М., Стройиздат, 1989 г., 30 с.;

Илмий мақолалар:

1. А. Худойбердиев, Н. Кадирова. Автомобил тўхташ жойларига бўлган талаблар. “Интеллектуал салоҳиятли иқтидорли ёшлар” мавзуидаги ёш олимлар, магистрант ва талабаларнинг анъанавий XI Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд, 2014 йил, 23-24 май. 31-32 бетлар.

2. А. Худойбердиев, Н. Кадирова. Автомобил тўхташ жойларини ташкил этиш. “Таълим, фан ва ишлаб чиқаришда интеллектуал салоҳиятли иқтидорли ёшлар” мавзуидаги ёш олимлар, магистрант ва талабаларнинг анъанавий XII Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд, 2015 йил, 9-10 июн. 157-158 бетлар.

Интернет сайтлари:

1. www.mygov.uz
2. <http://newbusiness.su/avtostoyanka-biznes-plan.html>
3. www.technology.gov.uz
4. www.lex.uz
5. www.kun.uz
6. www.daryo.uz
7. <http://www.garages.ru/>
8. www.google.ru
9. www.umail.uz
10. [http //yet.tfi.uz/pdf/yenmcoq22__uzk.pdf](http://yet.tfi.uz/pdf/yenmcoq22__uzk.pdf)
11. www.1001plans.ru
12. www.archiv.uz
13. www.ref.uz